

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## “НУТҚ САНЪАТИ”

МОДУЛИНИНГ

ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**НУТҚ САНЬЯТИ  
МОДУЛИНИНГ**

**ЎҚУВ МЕТОДИК МАЖМУАСИ**

**Малака ошириш курси йўналиши: Барча йўналишлар  
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг  
профессор-ўқитувчилари**

**Тошкент – 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:**

**М.Ходжиматова – доцент  
Р.Қодиров – катта ўқитувчи**

**Тақризчилар:**

**И.Джуманов – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, доцент  
З.Холмонова – филология фанлари доктори**

**Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ Кенгашиning 2017 йил 26 августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

# **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	10
III.. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	16
IV. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	81
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ .....	85
VI. ГЛОССАРИЙ.....	89
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	93

## **I. ИШЧИ ДАСТУР Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Олий таълим муассасаларида ўқитувчи нутқини санъат даражасига кўтариш, нутқ техникасини мукаммал эгаллаши, нутқий компетентликка эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги жиҳатни эътиборга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар овоз, товушлар талаффузининг моҳияти ва уни мустаҳкамлашнинг услубий, амалий асослари, ҳаракатланиш маромлари ва нафас органларининг вазифаларини билиши ва амалий меъёларга доир фаолият тажрибасини ўзлаштириши лозим.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Ушбу курснинг асосий дидактик мақсади педагог кадрларда нутқ санъатини ривожлантириш орқали уларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттириш, нутқий-эстетик тафаккурини кенгайтириш, самарали мулоқотни ташкил этишга доир методик билим, кўнималарни шакллантириш саналади.

- “Таълим тўғрисида” ги Конун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш;
- ўқитувчиларда таълим-тарбия жараёнида самарали мулоқот техника ва технологияларидан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим ва кўнималарни таркиб топтириш;

## **Тингловчиларнинг методик билим, кўникма ва малакаларга кўйиладиган талаблар:**

“Нутқ санъати” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчи:

- нутқ санъатининг ўрни ва вазифаларини мукаммал билиши; нутқ техникаси қоидаларини ўзлаштириши, товушлар талаффузининг мукаммаллигини ифодаловчи нутқ аъзолари лаб, жағ, тишлар ҳамда томоқнинг маромли ва меъёрий фаолиятини таъминловчи вазифаларини билиши керак;

- овоз, товушлар талаффузининг моҳияти ва уни мустаҳкамлашнинг услубий, амалий асослари, харакатланиш маромлари, нафасни тӯғри олиш ва уни турли матнларда тӯғри сарфлаш кўнималарига эришиш лозим;

- овоз жарангни имкониятларини мустаҳкамлаш (қайтарғичлар, резанаторлар) сонор товушлари, бирикмалари билан амалга ошириладиган машқларни ўзлаштириш, овоз диапазонининг кенглиги, ўзгарувчанлиги, пастки, ўрта ва юқори қатламлардаги жарангни ва тембрини ҳосил қилишга эришиш малакаларини билиши керак.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Нутқ санъати” модули амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар компьютер техникаси, аудио ва видео тасмалар, мультимедия, тест саволлари ва тарқатма материаллардан фойдаланилади.

### **“Нутқ санъати” модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Нутқ санъати” модули ўқув режасидаги инноватсіон таълим технологиялари ва педагогик компетентлик, филологик таълимда илғор хорижий тажрибалар каби ўқув модуллари билан боғлиқликда ва узвийликда ўқитилади.

### **Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ўзбек адабий тили меёrlар ва унинг ифодавий таъсирчан асослари, нутқ техникаси машқлари орқали кўнималарини ўзлаштириши ва ифодавий таъсирчанлигини оширишни назарда тутади, амалий ўзлаштиришларига эътибор қаратилади.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

T/p	Модуль мавзулари	Умумий соат	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	Мустакил тальим
1.	Нутқ техникаси ва унинг моҳияти				2		
2.	Нутқ техникасининг таркибий қисмлари				2		
3.	Нафас ва овозни мустаҳкамловчи машқлар				2		
4.	Талаффузни такомиллаштирувчи машқлар				2		
5.	Орфоэпия қоидалари				2		
6.	Нутқ техникасини мустаҳкамлашга доир текширув матнлари				2		
7.	Нутқ техникаси устида ишлашга доир амалий машғулотларни кузатиш					2	
8.	Нутқ техникасини такомиллаштирувчи машқлар мажмуи						2
<b>Жами</b>		<b>16</b>	<b>14</b>		<b>12</b>	<b>2</b>	<b>2</b>

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-амалий машғулот. Нутқ техникаси ва унинг моҳияти.**

Нутқ аъзоларининг харакатидаги табиийликни фаоллаштирувчи вазифали машқлар. Нутқ аъзоларидаги эркин, муқаммал, фаол, ижро маҳоратини мустаҳкамловчи матнлар, тез айтишлар, айтилиши қийин сўзлар ва жумлалар устида ишлаш. Адабий матнлар ижрочилигининг таъсирчанлигига нутқ аъзоларининг ўрни, ахамияти ва вазифалари устида ишлаш. Нутқ товушлари ва талаффуз меёри. Тўғри талаффузнинг зарурияти. Соғ талаффуз, яхши йўлга қўйилган овоз ва нафастга эга бўлиш йўллари.

### **2-амалий машғулот. Нутқ техникасининг таркибий қисмлари.**

Нутқи техникаси ва унинг моҳияти. Нутқ техникаси - саҳна нутқининг таркибий қисмлари. Бадиий нутқ, ҳаётий нутқ ўртасидаги умумийлик ва ўзига хослик. Нутқ техникаси ва турли жанрлардаги адабий матнлар - нутқининг асоси сифатида. Нутқ санъати ва унинг такомиллашишида нутқ устозлари, таникли актёрлар ва бадиий сўз усталарининг ўрни ва роли. Овоз тарбияси, нутқ аъзоларининг эркин фаолияти масаласи ва дикция устида мунтазам ишлашнинг моҳияти.

### **3-амалий машғулот. Нафас ва овозни мустаҳкамловчи машқлар.**

Нафас. Нафас машқлари. Нафаснинг нутқ санъатидаги ўрни. Нутқ маҳоратида нафас маромларининг мустаҳкамлиги ва мукаммаллиги. Нафас олганда кўқрак нафаси ва унга алоқадор бўлган органлар координатсияси. Матнли машқлар ва унинг табиатига доир. Нафас машқларини артикуляция, дикция ва овоз билан боғлаш масаласи. Овоз ва унинг манбаалари.

### **4-амалий машғулот. Талаффузни такомиллаштирувчи машқлар.**

Талаффуз. Талаффуз машқлар. Соф адабий талаффуз аҳамияти ва уни таъминлашнинг асосий омиллари. Талаффузнинг характерли камчилик ва нуқсонлари ҳақида тушунча. Нутқ товушларнинг сўздаги ўрнига кўра тусланиши ва унинг адабий талаффузга таъсири.

**5-амалий машғулот. Орфоэпия қоидалари.** Нутқий камчиликларни бартараф этиш. Нутқий камчиликларни бартараф этиш йўллари. Талабалар нутқининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда анкета тузиш. Услуб ва воситалардан фойдаланиш. Якка машқлар тавсия этиш. Тавсия қилинган машқларни бажариш йўлларини ўргатиш. Машғулотлар натижасини, самарасини назорат қилиб бориш.

### **6-амалий машғулот. Нутқ техникасини мустаҳкамлашга доир текширув матнлари.**

Нутқ органлари ва уларнинг фаолияти. Нутқ – ранг-баранг ифодали товушларнинг мажмуасидан иборатлиги. Товушларнинг пайдо бўлиши. Талаффуз нуқсонларини бартараф этиш усуллари Уларнинг аниқ ва равshan талаффузни такомиллашувидаги ўрни.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТ**

**Мавзу:** Нутқ техникаси устида ишлашга доир амалий машғулотларни кузатиш.

Кўчма машғулот Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти лабораториясида ўтказилади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

**Мавзу:** Нутқ техникасини такомиллаштирувчи машқлар мажмуини ўрганиш ва ўзлаштириш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- амалий машғулотлар, машқлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, нутқ техникасига оид кўникумаларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (ўтказилган амалий машқлар натижаларини муҳокама қилиш, таклиф бериш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топшириқ тури	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
			0,5	“аъло”	“яхши”
1.	Амалий иш	0,5	0,5	0,4	0,3

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**Музёрап усули**

# **Музёрап усули**

**Технология тавсифи:**

- Бу усулни янги бўлим бошлашдан олдин ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ўқитувчи навбатдаги ўтиладиган бўлим юзасидан қисқача маълумот беради. Масалан, Ўлкамиз куз бўлимида ўқувчи йил фасллари, пахта терими, ижтимоий фойдали меҳнат, кузги ўсимликлар, ҳашоратлар ҳаёти ҳақида умумий тушунчалар бериб ўтади. Бу ҳақида бошқа ўқувчилар ҳам ўз фикрларини баён этадилар.

## Мавзу: Олтин куз



Музёрап усули



## МАҚСАДИ:

Қиздирувчи фаолиятига фаолиятга жалб қилувчи машқ талаба ёки ўқувчиларнинг ўзаро танишиши ва ишчи мұхит яратиш мақсадидир.


# ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ЎТКАЗИШ УСУЛИ:

## Қўлланиладиган машқ.

Машқнинг вазифаси тингловчи ёки ўқувчиларнинг мулоқотга чорлаш музни ёриш.

Бу ўқин ўқув хонасида рухий тарангликни енгиш гурӯҳни шаклланиш жараёнини тезлатиш мулоқот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш шунингдек, самимий ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ёрдам беришdir.

## Ишбилиармонлар ўйини





## Үйин модели

- 1. Үйин мақсадини аниклаш
- Үйин мақсадини шакллантириш



## 2. Үйин сценарийсини тузиш



- Муоммони аниклаб, үзини қандай түтиш түғрисида топширик бериш, тақлидий үйинни бориш, реал вақтга нисбатан чузиш ёки қисқартыриш, үйин ижроси таъсирчанлигини кучайтириш;



### 3. Ролларни тақсимлаш ва ҳар бир ижрочи вазифаларини белгилаш



- Ўйинга қарама қарши ҳарактердаги қизиқарлы ролларни киритиш, бир ролни иккинчи тингловчига бериш. Дубляж ўйин жараёнида ўзгартириш учун рол ижро этувчиларнинг портретларини яратиш ролларини тақсимлаш, номаълум персонажни киритиш. Ўйин қоидаларини белгилаш.



### 4. Ўйин қоидаларини тузиш



- Ўйин қоидалариға шароитдан келиб чиқиб нисбатан құшимчалар киритиш



## 5. Ўйинга тегишли материалларни тайёрлаш



- Ҳар бир гурӯхнинг имблема символларини ишлаб чиқиш, ўйинга тегишли бўлган материалларни гирафий плакат шаклида тайёрлаш



## 6. Бахолаш системаси



- Бахолаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларни кўргазмали бўлишини таъминлаш

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машгүлот:**

#### **Нутқ техникаси ва унинг моҳияти РЕЖА:**

- 1.** Нутқ санъати фанининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар..
- 2.** Нутқ санъати фанининг таркибий қисмлари..
- 3.** Жаҳон санъат мактабларида Нутқ санъати ва унинг замонавий ривожланиш тизимлари..

**Таянич иборалар:** Нутқ санъати, нутқ техникаси, артикуляция, дикция, нафас, овоз, орфоэпия, тембр, интеллект, интерфаол, модуль, инноватсия, коммуникатив, метафора, мақсад, муддаолик, муштараклик.

#### **1.Нутқ санъати фанининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар**

Инсоний фаолиятнинг ижтимоий, маънавий-марифий, маданий ҳамда кундалик ҳаётий, муомила-мулоқот, муносабат, истак ва интилишларининг асосий ифодавий мулоқот воситаси бўлган тилимизнинг ҳар жиҳатдан мазмунли ва таъсирли бўлиши, ҳар бир шахс, ижодкор ва мутахасиссларнинг тезкор тараққиёт жараёнларига ҳамоҳанг вазифаларидан биридир. Санъат ва маданият йўналишидаги бакалавр йўналиши талабларининг Нутқ санъати предмети доирасида тавсия қилинадиган назарий ва амалий ижодий тушунчалар, Нутқ санъатининг назарий ва амалий ижодий ижро асослари, вазифалар, услугубий ёндошишлар, инсоний нутқий фаолиятнинг мазмунли ва таъсирчан, аниқ, равон ва бетакрор бўлиши ҳамда миллий истиқлол ғояларининг сўз санъатидаги ифодавий таъсирчанлигини оширишга ва мустаҳкамлашга қаратилган. Театр санъатининг актёрлик жабҳасида нутқнинг тутган ўрни бекиёсдир. Муаллифнинг ғояси матнда турли воситалар орқали ифодаланади. Асарнинг ўзига хос стилистик томони, нутқий характерлиги, қаҳрамонларнинг ўз фикрларини ифодалashi саҳна асари яратилишида буюк ўрин эгаллади. Бу хусусият нутқнинг ўзига хослигидир.


Сўз санъатининг ижтимоий, маънавий маърифий, ўрни аҳамияти ва вазифалари даврий долзарб муаммоларнинг оламшумул жараёнлари сабаб тобора кенгайиб бормокда. Таъкид жоизки, фикр ва мулоҳазаларнинг таҳлилий ёритилишида, саҳнавий нутқнинг мазмунли, гўзал, бетакрор, равон ва таъсирчанлигини мустаҳкамлашга қаратилган мақсадлар белгиланган экан, уни мантиқий тизими ҳамда баёнида ёзма ва оғзаки нутқнинг

гўзаллиги, мазмундорлиги ва мантикий изчиллигига ҳам эътибор қаратилади. Сўз санъати ҳақида билдирилган ва ёритилган жонли сўзнинг ифодавий шакли ва мазмуни ҳам бадиийликка яқин тилда баён қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Инсоният ақл ирода, мулоқат ва муомила маданияти уйғунлигига амалга ошириладиган шароит билан юзма-юз. Жаҳоннинг турли нуқталарида содир бўлаётган, ҳар биримизни ҳавотир ва ташвишга соловчи геополитик холатлар, асорати асрларга таътири, тизгинсиз рақобат оқибатлари, қитъаларда ҳароратни ошириб юборишлар, қурғоқчилик, ҳосилсизлик, ёнғин, сув тошқинлари, океанларда довуллар, тўфонлар содир қилишга қодир “геофизик иқлим қуроллари”нинг таҳдиidi мавжуд хатардан кўз юмолмаймиз. Интернет тизими орқали ҳар сонияда жаҳонга чексиз-чегарасиз, керакли-кераксиз ахборот ва сир-синоат тарқалаётгани ва бунда инсон табиатига зид ва ёт тарғибот ташвиқотнинг таъсири мавжудлигини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Мамлакатлар аро содир бўлаётган зиддият ва келишмовчиликларга қудратли қурол кучи биланмас, “Илоҳий сўз” қудрати биланечим топиш зарур. Шундай шароитда вояга етаётган авлоднинг салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси қайси томонга қараб йўналтирилиши эртанги кунимизни ҳал қилувчи ҳаёт-мамот масаласидир. Шак-шубҳасиз ўта огоҳлик, оқилона муносабат талаб қилувчи бундай тезкор ўзгаришлар оқимида, сўз санъати, нотиқлик маҳорати, бадиий ўқиш, бадиий сўз санъати ўзининг илоҳий яратувчилик, муомила ва муносабатлар уйғунлигини шакллантиришга ва мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши керак.

Нутқ санъати ўкув машғулотлари жараёнида, ҳар қандай илғор педагогик технологияларини, интерфаол усулларини жорий қилиш жараёнидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ижодий-илмий, касбий, амалий фаолияти тил забон билан боғлиқ актёр, режиссёр, нотик, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот, оммавий ахборот тизимларида сухандон, бошловчи ва бошқа турли соҳа вакиллари учун ҳам бу муҳим аҳамият касб этади. Мазмунли таъсирчан равон ва фаол ифодавий имкониятларини ўрганиш ва жорий қилиш учун, ўз нутқини ўстириш, фаоллаштириш йўлида нутқий техник кўникмалар эркинлиги ва фаоллиги ранг-баранглигига эришиш, сўз билан ишлашнинг услубий амалий ижодий асосларини ўрганиши Нутқ санъатига эришишнинг асосий омилларидан биридир.

## Нутқ санъатининг таркибий қисмлари



Ҳар бир шахс, мутаҳассис ўзи яшаётган давр, мұхиттинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий тараққиёт жараёнларга синчков жиддий ва чуқур эътибор, эътиқод ҳамда муносабатлари, миллий истиқолол ғоялари билан руҳлангани, умуминсоний ақидалар ва фалсафий қарашлар билан мустаҳкамланганининг ўрни ва аҳамияти катта. Ўз ўрнида бу ҳусусиятлар ижро маҳоратининг гоявий, фалсафий, таъсирчанлигини мустаҳкамлади. Таъкидлаш жоизки, бакалавриат йўналиши, ўқув машғулотлари жараёнида, тингловчиларнинг ижро имкониятлари ранг-баранг ва қўпқиррали, мазмундор ва таъсирчан, аниқ ва равон, мақсадли, ижодий ижро кўнилмаларига эришилади. Сахнавий нутқининг такомиллашувида фаннинг таркибий қисми бўлган нутқ техникасини тўлиқ ўзлаштириши ва мустақил тарзда доимий тақрорлаб мустаҳкамлаб боришлари тавсия этилади. Бу, уларнинг кенг, чуқур ва мукаммал билимга, ижодий мушоҳадага, изланувчанликка, амалий ижро маҳоратига, сўз бойлиги ва нотиқлик маҳорати талабларини эгаллаб боришини тақозо этади, шак-шубҳасиз бундай имкониятга эга иқтидор ҳаммада ҳам бир ҳил эмас. Ҳар бир шахснинг ўзига ҳос бетакрор ва ибратли фикрга эга бўлиши ва ўша фикрнинг жонли мазмунли таъсирчан тилда ифодаланиши азалий ва абадий такомиллишиб борувчи вазифалардан биридир.

Ёш авлоднинг ақлий, интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, мушоҳадаси классик ва замонавий ўзбек ва замонавий бадиий адабиётнинг энг нодир ва

сарапланган намуналариға мөхр қўйиши, ўқиши ва ижодий фаолиятига сингдириши, вазифалари тобора янгиланиб бормоқда.

Инсон руҳиятини жунбушга келтирувчи, ҳаёлот тизгинини фалаж қилувчи, ур-ийқит, бузғунчилик ва бошқа инсониятга зид ёт ғоялар акс этган, адабиётлардаги, “супер-боевик” ғайриоддий монстрлар талқин қилинган ва улар асосида, экранлаштирилаётган фильмлар, мультфильмлардан таъсиrlаниб қизиқиб кетишлари оқибати кутилмаган кўнгилсизликларга йўл очиши эҳтимолига лоқайд қарамаслигимиз ҳаёт, замон ва давр талабидир. Бугунги кунда санъат дунёси, бадиий адабиёт китобхон ёки томошибинларнинг имкон қадар кўп ва катта қатламларини қамраб олишга қаратилган ва унда инсон тасаввури ва онгини ҳайратларга, хатто ларзага солиб қойил қолдирадиган, даҳшатга соладиган образлар яратилаётгани ва бунинг ёш авлоднинг онгига ва муносабатларига таъсири катта. Таълим тизимида энг таъсиrчан, прогрессив интерфаол ифода воситалари яратилишига бўлган муносабат, эжтиёж, талаб ошиб бориши табиий. “Интерфаол ифодавий ёндошиш” илдизлари санъат ва маданият йўналишларида азалдан чукур, кенг изланишлар жараёнда олиб борилувчи асосга эга. У театр, кино, эстрада, радио ва телевидение санъатининг азалий йўлдоши, театр ва кино санъатининг атоқли етакчилари шакллантирган ва такомиллаштирган ва ўзининг ҳаётий ўрни аҳамиятини топган мактаб доирасида жамланган.

Нутқ санъатида интерфаол ёндошиш белгиланган мавзу-аудиториядаги барча тингловчиларни қамраб оловчи, ўтказувчи шарт-шароитлар танлаш, мавзуни ёритадиган ва тингловчига ўтказадиган саволлар тузиш, тарқатма материаллар тайёрлаш, тарқатиш, мавзуни ёритишда электрон воситалар орқали шакллар, тасвиirlарни тадбиқ қилиб, мавзунинг ўзлаштирилишида ҳаммани фаол фикр-тушунча, таҳлил хулоса билан ёндошишга эришишидир.

Театр, кино, телевидение, эстрада, радио, қўғирчоқ театри санъатида профессионал малакали кадрлар тайёрлашда, илк босқичданоқ тингловчи ва устоз орасида мулоқот-муносабатнинг шаклланиши ҳамда мустаҳкамланиши, интерфаол асосга, яъни муайян модуль унинг қонун-қоидалари тингловчига турли тарздаги фаол тасаввур, фикр, тушунча, кўникмалар қабул қилиш, чукур англаш, таъсиrlаниш, фикрлаш ва уни фаол муносабат тарзида партнёрига, тингловчиларга етказиш тарзининг, турли, бетакрор ифода воситаларига ижобий ёндошилган ҳолда тақдим қилишга қаратилгани ва бунда интерфаол ифода воситаларисиз, уларни тасаввур қилиш қийин.

Гуманитар, ижтимоий Модулларда, бугунги кунда кенг жорий қилинаётган, масофали ўқитиши, интернет орқали жаҳон таълим тизимидағи энг янги, энг сўнгги ютуқ ва намуналаридан кенг фойдаланиш, тадбиқ

қилиш, ўқитиши жараёнида күргазмали, тасвири, тарқатма материаллардан кенг фойдаланиши жорий қилиш, муайян Нутқ санъати фани модуль доирасидаги энг сара ибратли намуналарини танлаб, тингловчилар орасида чуқур таҳлил қилиш, уни сингдириш, танланган мавзууни тарқатма материал сифатида тақдим қилиб, тегишли адабиётлар, саволларни қўрсатиб дарс машғулотларида мавзууни ёритувчи, унинг мазмун-моҳияти ҳақида тингловчида аниқ тасаввур-тушунча, хулоса ҳосил қилувчи саволлар-жавоблар, муҳокама, таҳлил билан мавзууни ўзлаштиришга эришиш ва бошқа бир қатор услубий ёндошишлар орқали намоён қилинишига қаратилган.

**Нутқ санъатида** ҳар бир тингловчига талаффуз мукаммаллиги, овоз жозибаси, тембри, жарангдорлиги, нафас, артикуляция, дикция, тана мушакларини бўшатиш ва унинг эркинлигига эриши орқали овозда табиийлик.эрикинлик ва жарангдорликка эришиш, сўз устида ишлаш, уни таҳлилий мантикий бетакрорлигига эришиш, тингловчида мустақил фикр, тасаввур бойлигига эриштирувчи шарт-шароит, вазиятлар вазифалар тизими билан жалб қилиш, руҳан қувватлантириш, фикр, тасаввур-мақсад уйғунлигидаги, таъсирchan ифодавий воситаларни топиш, сингдириш ва турли жанрлардаги адабий мантларнимуаллиф ғояси, фалсафаси, мақсадини англаш ва англатиш иқтидорини мустаҳкамлаш, асарнинг руҳий эмоционал бадиий таъсирchan имкониятларидан руҳлантириб, ҳар қандай қатламни қамраб оладиган энергетик түғённи мужассам қилгувчи, ижодий ижро маҳоратини шакллантиришни белгилайди. Бу теран ва кенг қамровли ижодий изланувчанликни талаб қилувчи интерфаол ёндошув ҳамда маъсулиятли вазифадир.

### **3.Жаҳон санъат мактабларида нутқ санъати ва унинг замонавий ривожланиш тизимлари**

Жаҳон санъат мактабларида нутқ санъати ва унинг замонавий ривожланиш тизимларида Нутқ санъатининг ўрни аҳамияти ва вазифалари ҳақида фикр юритилар экан бунинг сўз санъати, унинг таъсирчанлик омиллари ҳамда ифодавий ҳусусиятлари ҳақида теран назарий ва амалий асосларини уйғунликда ўзлаштириш лозимлигини таъкидлаш жоиз. Нутқ санъати фани бўйича хорижий адабиётларни ўрганиш ва фанга бу жиддий ва масъулиятли вазифада ўқитишининг интерфаол асосларини янада замонавий шарт-шароитлар ва талаблар даражасида фаоллаштириш вазифаси мақсадлар муштараклигидаги омиллардан биридир. Талabalар олдида чуқур билим нутқнинг назарий асослари унинг амалий ечими баробарида уларнинг ижодий изланишлар, малакасинини доимий ошириб бориш вазифалари турганлигини маълум. Жамият тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт соҳаларидаги

туб ўзгаришларида Нутқ санъатининг ифодавий хусусиятларининг вазифалари белгиланар экан, таълим доирасида сўз санъати билан боғлик театр, кино, радио телевидение, эстрада санъати йўналишларида ташкил қилинган ижодий ишлар, фестиваллар, мастер-класслар, тақдимотлар ва ижодий учрашувларида фаол иштирок этиш, актёр, режиссёр, моҳир сўз усталарининг ва бошқа мутахасиссларнинг фикр, мулоҳаза ва ижодий чиқишлирини кузатиш, таҳлил қилиш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш, саҳнавий нутқ маҳоратига тааллуқли ҳамма актёрлик, режиссёрик ўкув тренингларда нутқ техникаси бўйича ўзлашрилган энг сара ибратли намуналар ҳамда адабий парчалар, шеър, масал, ғазал, монологлар ижроси бўйича энг тўлақонли намуналарни ўрганиш вазифалари ҳам белгиланади, шунингдек, ўқитувчи кузатувида Нутқ санъати модулининг ҳамма йўналишларида нутқ техникаси ва сўз устида ишлашнинг таҳлилий ифодавий жараёнларида иштирок этишлари, ўзлатириб боришлари муҳим аҳамиятга эга. Нутқ санъатининг ифодавий хусусиятлари такомиллашиб бориш вазифаси етук, тажрибали педагог, олимлар узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча тақориийликка чек қўйиб, жамиятимизнинг маънавий, интеллектуал салоҳиятини кенгайтирадиган, давлатимизнинг ижтимоий ва илмий техник тараққиётини такомиллаштирадиган, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожини таъминлайдиган, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир шахс ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имкониятини яратадиган изланишлар, таҳлиллар, илмий хулосалар олиб бориш вазифаларини белгиланиб педагогик тажрибада, замонавий педагогик технологияларига тингловчиларни қизиқтириш, мустақил ишлашида фаолликларини оширилишида эканлиги ҳам маълум. Таълимнинг бугунги вазифаси тингловчиларни ахборот таълим муҳити шароитида, мустақил фаолият кўрсата олишига, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборат деб белгиланган. Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, модуль, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига амал қилишга эришишdir. Шу вақтгача анъанавий таълимда тингловчиларни тайёр билимларни эгаллашга ўргатилар эди. Бу усул тингловчиларни мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликларини сўндириши кузатилган. Ҳозирги кунда таълим интерфаол услублар (инноватсион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб таълим самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

Инноватсия (инглизча инноватион) – янгилик яратиш, янгилик демакдир. Инноватсион технологиялар педагогик жараён ҳамда тингловчи фаолиятига

янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол услублардан фойдаланилади. Интерфаол (“Интер”-бу ўзаро, “аст”-“Харакат қилмоқ”) ким биландир сухбат, мулоқот тартибида бўлишини англатади.

Яъни ўқитишнинг интерфаол услубиятлари: билиш ва коммуникатив фаолиятини ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим оловчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар. Услубнинг ўзига хослиги: тингловчи дарс давомида мустақил, фаол фикрга, ижод қилишга, изланишига йўналтирилади, тингловчи ўқув жараёнидаги доимий Модулга қизиқиши таъминланади, тингловчи мустақил ҳар бир масалага қизиқиши, ижодий ёндошиш кучаяди, устоз ва шогирднинг ҳамкорлигидаги фаолият доимий мустаҳкамланади.

Педагогик технология аниқ кетма-кетлиқдаги жараён бўлиб, у тингловчи ва педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган, натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Инсон ва инсониятнинг тенгсиз қудрат, муazzам ҳикмат, саҳовату ҳимматга эришишида ибтидо ва абадият оралиғида не-не беназир ҳусусиятларни содир қилишга қодир олий аҳд, эзгу тилак, мақсад, ҳоҳиши, ирода, фикр туйғуларимизни англатувчи лутфимиз-забонимиз, жонимиз, жаҳонимиз, замину замонимиз баробарида ўзлигимизнинг асл сийрати ва суврати рамзи сифатидаги сўз санъатининг қиммати ва қудрати миллатни бирлаштирувчи, уни тараққиётга, комилликка, юксакликка чорловчи, руҳлантирувчи, қувват берувчи, етакловчи табиати хақида, фикрлар, мунозара ва мулоқатларга доимо илҳақмиз. Зеро, сўз мукаммалигини, адабий тилимиз ҳазинасини асраш, ҳар биримизда мавжуд ирода ва ифодададир.

Бўлгуси ёш мутаҳассисларнинг бу борада ўз мақсадлари ва унинг амалга оширилишида аниқ белгиланган вазифалари бўлиши аҳамиятлидир. Аввало Нутқ санъати фанида мустаҳкам амалий ижодий ижровий имкониятига эга бўлиши учун сўз ижрочилиги учун танланадиган машқлар мажмуи матнларнинг танланиш, таҳлил ва талқин ҳусусиятлари ҳамда унинг юксак бадиий ижро даражасига эришишнинг тамойиллари шакллантирилиши лозим. Сиртдан қараганда бу ўз-ўзидан содир бўладиган кундалик ҳаётий жараёндай туюлади, аммо узоқ йиллик педагогик тажриба, кузатувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўз санъатининг ҳаётбахш қудрати ва ҳикматига эришиш катта меҳр, эътиқод ва ирода уйғунлигига эришиладиган қунт, сабр, бардош интилевчанлик, меҳнат маҳсулидир. Сўз уммонининг битмас туганмас ибратли манзараларини ҳис этиш ва яратиш завқи, фаолияти сўз санъати билан боғлиқ ҳар бир соҳиби даврон учун орият ва ғурур

тимсоли бўлиб қолиши лозимдир. Нутқ санъати техникаси ва ижро маҳоратини такомиллаштириш учун яратилган кўплаб машқлар, махсус мураккаблаштирилган холатда тузилган матнлар тўпламлари ва уларнинг таҳлилий асослари ҳамда ижро хусусиятлари такрорланиши ўринилигини эътироф этамиз. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир ижодкор шаҳснинг, Нутқ санъати маҳоратини кенг ва чуқур ўзлаштириши, бугунги ва эртанги кунимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Сўз устида ишлаш уни турли ранг-баранг техник машқлар билан мустаҳкамлаб такомиллаштириб боришда сўз устида ишлашнинг энг самарали йўлларини яратишда ўз мақоми ишончи тажрибаларига эга, анча мунча тажриба, назарий, амалий ижодий ёндошишда суяги қотган таажрибали устоз, тажрибали сўз устаси, ижодкор актёрлар билан театр тили, кино тили, радио ва телеведения тилида мустаҳкам кўникумага эга мутаҳассисилар билан қандай тилда қандай фикрда, қандай тушунчалар билан мулоқатда бўлишимиз мумкин? Аввало бугунги кунда сўз ва унинг ифодавий олами, ифодавий қатламларидаги таъсирчанлик, мазмундорлик, бетакрорлик, ишонтираслик, қизиқтираслик, эсда қоларлик, мақсад муддаоли қатламларини таҳлил қилиш, ва талқинга кўчиришда биргаликда ақллашишимиз лозимлиги кўринади. Бунинг учун бугунги кунда ҳар биримизнинг ва биз таълим бераётган ёш авлод нутқидаги сўз бойлиги, уни ифодалашдаги таъсирчанлик маҳорати, ихтидори, истеъдоди қандай даражада? Агар даражаси бугунги кун талабларига жавоб бера олмаса уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш учун қандай вазифалар, юклар кўйилиши керак? Бунинг учун қанча вақт, қанча куч қанча ирода, қанча меҳр, қанча эҳтиёж сарфланиши керак деган саволлару муаммолар ечимиға сабаб бўла оладиган услубий йўл яратишимиш лозимлиги кўринади.

Жадал ривожланиш истиқболларига йўналтирилган бугунги кун вазифалари юксалиш, мустаҳкамланиш, такомиллашиш жараёнлари билан яшамоқда. Келажаги умидбахш тараққиётимизнинг дадил қадамлари дунё ҳамжамияти эътирофларига ҳамнафас эканлигини хис этамиз. Бунинг ҳаётбаҳш насимлари санъат ва маданиятимизнинг истиқболларига ҳам дахлдордир.

2015 йилнинг 12-17 декабрь кунлари Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида, Англиядан ташриф буюрган театр санъати бўйича етакчи мутаҳассислар Джон Таккер (Нутқ санъати), Ирина Браун (режиссёр) ҳамда Ниам Доулинг (пластика бўйича режиссёр)лар институт талабалари ва профессор ўқитувчилари билан яқиндан ижодий ҳамкорлик доирасида амалий машғулотлар ўтказдилар. Олти кун мобайнида узлуксиз ва фаол кечган бу ўқув машғулотларида, актёрлик ҳамда режиссёрлик санъатининг асосий ифода воситаларидан бири бўлган нутқ техникаси ва сўз устида

ишлиш, машқ қилиш, айрим вақтлардагина эсланадиган ўткинчи машғулот эмас, институт ва профессионал театрлар доирасида, ҳар куни тақрорланадиган, бир умр давом этадиган, вазифа деб қаралиши таъкидланди.

Инглиз санъат мактабининг нутқ техникаси бўйича танлаган ва жамлаган машқлари билан танишар эканмиз, ўзбек Нутқ санъати мактабида тавсия қилинаётган ва ишланаётган машқлари, саҳна нутқи техникаси ва сўз устида ишлиш тажрибаларимизда, шаклланган ва такомиллашаётган изланишларимизда муштараклик, ўҳашашлик, томонларимиз борлиги, нафас, овоз, талаффуз, сўз устида ишлиш услубларимиз тажрибаларимиздаги яқинлик, қизиқиш ва ишончимизни мустаҳкамлади

Жаноб Джон Такер ҳар бир талабанинг аввало унинг нафас мароми, овозининг жарангига тўсқинлик қилувчи сиқиқликлар, бўйин, томоқ, юз мушаклари, елка оёқ ва қўл мускулларидағи сиқиқликларни бартараф этиш учун қатор машқлар тавсия қилиб уларнинг ўзлаштирилишига эътибор қаратди. Ўз ўрнида ёш актёр ва режиссёрларни эркин дадил фаол, шиддатли, ўзгарувчан маромларда ишлишга йўналтириди.

“Менинг талабаларим,- деди Джон Такер, олти ҳафта мобайнида ҳар куни кечадиган дарс машғулотлари пайтида, ётган ҳолда бутун нафасни чиқариш асосида сиқиқликларни олиб ташлаб, нафасини йўналтириш устида ишлайдилар, ундан кейин эса нафас, овоз талаффуз ва сўз устида ишлиш, уч йил мобайнида бакалавриат таълим йўналишида, бир йил магистратура мутахассислиги таълим жараёнларида актёрлик маҳорати машғулотлари олдидан мунтазам ишлиш орқали бунга эришадилар театрда эса бу бир умр давом этиши такомиллашиши зарур - деди.

Дарҳақиқат сўз санъати ўзининг улуғвор юки, мазмундорлиги таъсирчанлиги, қудрати ва хикмати билан мустаҳкам бўлиши учун унга қаратилган ишонч, меҳр, вақт ва ҳаракат ҳеч қачон тўхтамаслиги керак. Сўзнинг ҳаётбаҳш тарбиявий қудрати ва хикматини топишда матнни уқиши, уни фикри, туйғусига сингдира олиш, сўздан таъсирланиб қувватини ҳис этиш, ҳамда иродаси, қунти саботи ақлий салоҳияти билан асрар, кундалик ҳёти ва ижодига тадбиқ қила ошлиш, нечоғлиқ ижодий қимматга эканлигини яна ва яна кўнгилдан ўтказамиш. Санъат тили таъсирчан ибрат тилига айланиши учун фикр қуввати билан тўйиниб, ички ҳаракат, ҳоҳиш, ирова, мақсад маҳсулига айланишини ҳамда сахнада партнёрни, залдаги томошабинга таъсир қилишини, уни ҳамфикр, ҳамдардга айлантиришининг қанчалар бадиий қимматга эканлигини англаб, эсга оламиш.

Таниқли актёр ва режиссёр Михаил Чехов “Бугунги замонавий театрда асар руҳиятини яратишдан четлаб, пьесанинг мазмуни, ғоясини сўз орқали

етказишига ҳаракат қилинади, Асар руҳияти яратилганида эса, сўз янада теран мазмун ҳамда таъсирчанлик билан мустаҳкамланади. Агарда “севаман” сўзи нафрат руҳиятида ифодаланса, ғаройиб зиддият мутаносиблигига айланади. Бу инсон имкониятидан юқори ёки паст бўлиши мумкин, лекин биз учун керакли бўлган ҳақиқат меёрига етиб бора олмайди, демак асар руҳиятининг яратилиши, биз учун етакчи бўлган энг кучли режиссёрдир. Асар руҳияти бу ҳаёт, ҳаёт эса ҳамиша бетакрордир. Руҳият яратилса, уни актёрлар қабул қилиб ўзига сингдира олса, бугунги ижро кечагидан фарқли даражада аъло ва афзал бўлар эди”, - дейди.

Ақл гўзал ва ҳаётбаҳш ижоднинг тиниқ кашфкор имкониятларидан қувватланишини асл истеъдод деб биламиз. У инсониятга ибрат кўрсатишга қодир, комил шахснинг фикр туйғуларини жамлайди. Зеро бизнинг наздимизда театр инсон ва унинг қадр қиммати, орзу армонлари, ҳис туйғу, ҳатти -ҳаракатлари, курашлар, зиддиятлар тўғонидан олиб чиқиб инсонга ибрат кўрсатадиган муқаддас эхром. Театр инсон руҳини жунбушга келтирадиган мўътабар ижодий маскан. Бир дунё мақсад ва умидлар билан театр оламида яшашга интилмаган, уни ҳаётнинг турли икир-чикир ташвишларига аралаштириб, асосий буюк мақсадлардан айри тутган актёрнинг аҳволи ачинарли.

Джон Такернинг ютуғи тавсия қилаётган ҳар бир машқини ноёб ҳазинадай ҳис қилиб, ишонч меҳр билан ёндошишида, ҳар бир талабани фикрлайдиган қобил инсон, шахс сифатида кўришида, тавсия қилаётган машқларида оддийлик ва табиийликка интилишида, бизни мулоҳазаларга чорлайдиган фикрлар уларни ҳам безовта қилишида экан.

Театр санъати жамиятнинг юксалиши, асл инсоний адолатнинг мустаҳкамланиши йўлида изланади, қаҳрамон ва персонажларнинг турли воқеалар, зиддиятлар, шарт-шароитларда фикрлаш тарзи ҳамда ҳаракат тарзини кашф этади. Томошабинларнинг синчков талабини қондиришга, дунёқарашини том маънода ўзгартиришга қодир ижодкор тарбияси олдимиздаги катта вазифалардан бири эканлиги янада чукурроқ англаанди..

Жаҳон театр санъати таълими амалиётида ҳам Нутқ санъатига бўлган эътибор, актёрнинг фаол нутқ техникаси доимо такомиллашиб бориши хақида таъкидланади.

*“Бу ҳақда Ежи Гrotovskiy: таъассуф ва танқидий қараб: “Кўплаб театр мактабларида зўр бериб ўқитаётгандай инсон ҳеч қачон сиқиқликни бутунулай бартараф қила олмайди, чунки сиқиқлиги бутунлай бартараф қилинган инсон латтага айланади” деган эди. Аммо сиқиқликни бартараф қилиши учун мақсадли гавдани бўшатиш ва унинг натижасидан келиб чиққан ланжслик орасида катта фарқ бор. Вазифа шундаки “қисқа”*

*туташув импульсларга таъсир қилувчи мушаклардаги кераксиз сиқиқликни олиб ташлашдан иборатдир”<sup>1</sup>*

Жаҳон санъат мактабларида Нутқ санъати ва унинг замонавий ривожланиш тизимлари атрофлича ўрганиш ва Нутқ санъатига тадбиқ қилиниши талабаларнинг нутқ техникаси устида ишлаш жараёнида фикр, тасаввур, диққат каби актёрлик маҳорати ва Нутқ санъатининг муҳим бўғинлари билан юзма юз бўлади ва мустаҳкамлайди. Ўз ўрнида булар учун катта ҳаётий, маънавий, бадиий барқамоллик, ибрат минбари бўлиши лозим бўлган санъатнинг театр, кино, телевидение, радио ва бошқа томоша турларида сўз санъати ҳамиша ўзининг қудратли, таъсирчан, етук ва гўзал ифодаларини такомиллаштириб бориши юксалаётган улуғвор она юрт қудратининг таянчларидан биридир.

### *Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар*

1. Нутқ санъати таркибий қисмлари ҳақида тушунча беринг?
2. Нутқ санъати фанининг шаклланиши ва такомиллашишидаги асосий омиллар нималардан иборат?
3. Нутқ санъатида тадбиқ қилинадиган илгор педагогик технологиялар?
4. Сўз санъатининг давр муҳит ижтимоий-сиёсий маънавий-маърифий тараққиёт жараёнлари билан муштараклиги?
5. Нутқ санъатининг театр, кино, тв ва радио санъатидаги вазифалари?
6. Жаҳон санъат мактабларида Нутқ санъати ва унинг замонавий ривожланиш тизимлари?

---

<sup>1</sup>Kristin Linklater. “Freeing the Natural Voice”. California, “Drama Publishers”, 2006. 41-bet

## **2- АМАЛИЙ МАШФУЛОТ: Нутқ техникасининг таркибий қисмлари РЕЖА:**

1. Нутқ аъзолари анатомияси.
2. Нутқ аъзолари алоҳида бўлаклари фаолияти..
3. Товуш пайдо бўлиш манбалари.

**Таянч иборалар:** Фонетик, нутқ органлари, нафас аппарати, бўғиз, овоз пайчалари, оғиз бўшлиғи, тил, бурун, юмшоқ танглай, қалқансимон тофай, бронхлар.

Ўзимизнинг нутқий организни бошқариш ва фаолиятини харакатга келтириш учун унинг тузилиши ва мушаклар механизми ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Чунки камчиликни бартараф этиш учун, уни қаердан пайдо бўлиши аниқла Нильса шунда уни бартараф этиш учун қилинадиган харакат самаралироқ бўлади.

Агар нутқ органининг бирор қисмида камчилик мавжуд бўлса, ёки бирор қисми ёмон ишласа меъёрда сўзлашувга тўсқинлик қиласди. Товушларнинг аниқ талаффузида эса, нутқ органлари аниқ харакати ётади. Мабодо нутқ органларида бирон-бир камчилик бўлса, ёмон фаолият кўрсатса, демак яхши саҳна асари яратишга тўсқинлик қиласди. Бу асар етуклика даҳлдор бўлмай қиласди. Шунинг учун талабалар билан Нутқ санъати, нутқ маданияти, нотиқлик ва сўз санъати билан шуғулланганда, аввало мураббий нутқ органлари физиологиясини, анатомиясини яхши билишлари лозим. Ана шундагина машқларнинг фойдаси тегади ва бу харакат камчиликларни йўқотишнинг воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Нутқ – ранг-баранг товушлар талаффузи йигиндисидан иборат. Бутовушларолиясабтизимининг сигналари асосидан нутқаъзолари харакатинатижасида пайдобўлади. Шунингучунҳам нутқаъзолари физиологиясини, товушпайдобўлишманбаларини ўрганишваулардан фойдаланиш, мавжуднуксо нларни бартарафетади. – Буйўлдаишларни нутқорганлари анатомиясини ўрганишдан бошлашкерыак.

Нутқнингoliaяппаратимиядир. Қолган қисмини эса қуийидаги чаажратишумкин.

- 1. Ҳаво ўтувчи аъзолар (бронха, кекирдақ) ваўпика.**
- 2. Овоз пайчаларини ўз ичига олган хиқилдоқ (бўғиз)**
- 3. Ҳаво бўшлиқлари (халқум, бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи.)**

Нутқ аъзоларига алоҳида эътибор қаратилса уларнинг фаолияти қуийидагича.

**1. Нафас аппарати** – кўкрак қафаси, ўпка, бронх, трахеядан иборат бўлиб, нафас чиқаришда ва товуш пайдо бўлишида кўмаклашади. Нафас олганда пауза пайдо бўлади ва бу товушни тиниши, ўз навбатида нутқнинг фонетик бўлакланишига олиб келади.

**2. Бўғиз -тўрткемирчакдан** (тоғай) иборат. Халқасимон кемирчак (хряш) икки пирамидасимон кемирчак ва қалқонсимон кемирчакдан иборат.

Қалқонсимон кемирчак деворларига ва кичкина пирамидасимон кемирчак деворларига тушган овоз пайчалари ҳам бўғизга жойлашган.

**3. Овоз пайчалари** – бўғиз (хиқилдоқ) ичида олдиндан орқага кетувчи иккита шиллиқ парда бурмаларидан иборат. Овоз ҳосил бўлишида бу пайлар энг муҳим рол ўйнайди.

**4. Оғиз бўшлиғи** – турли нутқ аъзолари тил, лаб, танглай, жағ комбинatsияларига қўра оғиз бўшлиғи хажми ва кўриниши турли шаклга кириб туради ва турлича товуш яратишга олиб келади. Шунингдек оғиз бўшлиғиrezanatorlik (қайтарғич) лихизматиниҳамётайди.

**5. Тил** – оғизбўшлиғидагиэнгмухимаъзодир. У ўзининг харакатчанлиги туфайли қарийиб барча товушлар яратилишида иштирок этади. Тилнинг уст қисми 3 бўлакка бўлинади. 1. Орқа қисми, 2. Ўрта қисми, 3. Олдинги қисми.

Ҳар бир қисм ўз имкониятига қўра товушлар пайдо бўлиши пайтида турлича меъёрда қатнашади.

Товуш пайдо бўлишида яна иштирок этувчи аъзолар лаблар, жағ ва бурун бўшлиғидир. Бу аъзоларга ҳам еътибор қаратилиши ва унинг фаолиятида меъёрий харакатларига дикқат билан қарашибоиздир.

Овоз ва нутқнинг фаолияти, нафас олиш фаолияти билан боғлиқдир. Нутқнинг периферик аъзолари айнан нафас олиш аъзоларидир. Нутқ аппаратини периферик аъзоларига бурун, оғиз, томоқ, халқум, трахея, бронха ўпка, кўкрак қафаси ва диафрагма киради.

### **Бурун**

Бурун нафас олиш йўли ҳисобланади. У устки бурун, бурун бўшлиғи – яъни икки қатламдан иборат бўлиб, устки орқа қатлам суюкли ва олд пастки қисми тоғайдан иборат бўлади.

Пастки қатлам оғиз бўшлиғини тепа девори ҳисобланади (қаттиқ танглай). Бурун бўшлиғининг ички девори – бурун тўсиғини ҳосил қиласади. Бурун бўшлиғининг ички ва ён девори тузилиши жихатдан мураккабдир. Бурун бўшлиғи шиллиқ парда бўлиб ҳид билади ва қолган қисми нафас олиш йўли ҳисобланади.

### **Оғиз**

Оғиз озиқ-овқатни хазм қилиш йўли бўлиш билан бирга нутқ аъзоси, таъм билувчи (тил) ҳамда бурундан нафас олиш қийинлашганда, сўзлашаётганда нафас олиш аъзосидир.

Оғиз икки қисмдан: оғиз эшиги ҳамда оғиз бўшлиғидан иборат. Оғиз олд қаторда лаблар ва орқа тарафида мия ва олд тиш қаторларини ўз ичига олади.

Оғиз бўшлиғига тил, тишлар қатори, қаттиқтандглай, юмшоқтандглай, жағларкиради.

### **Ҳиқилдоқ**

Ҳиқилдоқ юқорида ҳамда орқа томонда бўғиз билан боғланади. Паст тарафда нафас оловчи тамоқ трахея билан боғланади. Демак ҳиқилдоқ олди томонда трахея, узуксимон кемирчак, қалқонсимон кемирчак, орқа томонда миясимон кемирчак ва халқумдан иборатdir. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти тўғрисидаги физиологик таълимоти актёр овозини созлашда асос бўлиб хизмат қиласи.

И.П.Павловнинг бу таълимотига қўра нутқ аппаратини яхлитликка дахлдорлигини кўрамиз. Унинг бирлиги асаб тизимиға ва албатта, мияга боғлиқлигидадир. Павлов фикрича жисмда рўй берадиган ўзгаришларни мия ўзида қайд этади. Асаб тизими фаолиятидаги асосий шакл бу рефлексдир. Рефлекслар жисмимиздаги барча реакциялар асосида юз беради. Шу боис бу таълимот ҳар бир ижодкорга овозини созлашда, нафас олишни йўлга қуишида, тўғри талаффузда ва нутқий хақиқатга эришишида қўл келади.

Нутқ аппаратлари физиологиясиға эътибор қаратилса у учқисмданиборат.

- 1. Овоз ҳосил қилувчи ҳиқилдоқ, овоз пайчалари;**
- 2. Овозчиқарувчи – артикуляциясистемаси;**
- 3. Нафасолишинсистемаси.**

Ҳиқилдоқ трахея билан томоқ ўртасида жойлашган бўлиб, у уч вазифани ўтайди: ҳимояловчи нафас олиш ва овоз учун ҳиқилдоқ, нутқ фаолиятида овоз пайдо қилувчи аъзо.

Нутқ аъзоларини иккинчи бўлимига оғиз бўшлиғи, бурун ва томоқ, юмшоқ тандглай, тил ва тандглай қўшилмаси, тишлар қатори, лаблар ва пастки жағ киради.

Овоз пайчаларида ҳосил бўлган товуш томоқ бўшлиғидаги тебранишидан пайдо бўлади. Нутқ аъзоларини учинчи бўлимига нафас олиш аппарати киради. Бунга трахея, Бронх ва ўпка киради.

Нафасолишинсонучунзаруриятдир.

Нафасолишивачиқаришолинганкислородникарбонатангидгазибиланалмаш ишидарўйберганфаолиятидир.

Буалмашишўпкадагиҳавониянгилашжараёнидарўйберади.

Нафасолингандакўкракқафасиолдингаёнга, тепагавапасткакенгаяди.

**Нафасолиштуриучхилбўлади:**

- а) қорин нафаси,**
- б) кўкрак нафаси,**
- в) диафрагмал аралаш нафас.**


Шундай қилиб нутқ аппаратини переферик қисми бўлган овоз ҳосил қилувчи, артикуляция системаси – овоз чиқарувчи ва нафас олиш системаси фаолият жараёнида бу учала қисм бир вақтда ишлайди ва олий мия, яъни нутқ аппарати марказий бўлимидан бошқарилади<sup>2</sup>.

**Анатомик-физиологик аспект.** Фонетиканинг бу аспекти фонетик бирликларнинг биологик асосини – инсон организмидаги айrim аъзоларнинг нутқ товушларини ҳосил қилишдаги ролини, уларнинг тузилиши ва фаолиятини ўрганади.

Нутқ товушларининг биологик асосини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) нутқ аъзоларининг анатомияси; 2) нутқ аъзоларининг физиологияси; 3) нутқ аъзоларининг ижро кечими.

1. Нутқ аъзоларининг анатомиясидейилгандашуаъзоларнингшакли, тузилиши, ўрниназардатутилади. Бундай аъзолар қуйидаги аппаратларга бирлашади:

а) *нафас аппарати* - ўпка, бронхлар, трахея, диафрагма, кўкракқафаси. Бу аппарат аъзолари товуш ҳосил қилиш учун зарур бўлган ҳаво оқимини бошқа аъзоларга етказиб беради, шу маънода ҳаво манбаи саналади;




**1-расм. Нафасаппарати.**

<sup>2</sup>A.To‘laganov. Sahna nutqi darsligi. Toshkent “Musiqa” nashriyoti. 12-17 bet.

1-қалқонсимонтоғай; 2-узуксимонтоғай) 3-кекирдак (трахея); 4-бронхлар 5-бронхларнингчитармоқлари; 6-ўпканингтепақисми; 7-ўпканингтаг (ост) қисми.


б) бўғиз бўйлиги – трахеяниң юқори (кенгайган) қисми. Унда ун пайчалари, узуксимон, қалқонсимон, чўмичсимон, понасимон, шоҳсимон тоғайлар мавжуд. Бу аппаратдаги энг фаол аъзолар ун пайчаларидир:



**2-расм Бўғиз (ҳиқилдоқ).**


**А)** бўғизнинг олд томони: 1- қалқонсимон тоғай; 2-узуксимон тоғай; 3- тил ости суюги; 4-қалқонсимон тоғайнин тил ости суюкка улаб турувчи пай; 5- узуксимон тоғай билан қалқонсимон тоғай орасидаги пай; 6- кекирдак (трахея).

**Б)** бўғизнинг орқа томони: 1- қалқонсимон тоғай; 2- узуксимон тоғай; 3- қалқонсимон тоғайнинг юқори шоҳлари; 4- қалқонсимон тоғайнинг қўйи шоҳлари; 5- чўмичсимон тоғайлар; 6- бўғиз қопқоғи; 7- трахеяниң пардасимон (орқа) қисми.



**3-расм. Бўғизнинг кўндаланг кесилгандаги кўриниши.**

1-Қалқонсимон тоғай; 2- чўмичсимон тоғайлар; 3- ун (овоз) пайчаларининг қирралари; 4- овоз пайчалари орасидаги тирқиши.



**4-расм. Овоз пайчалари орасидаги тирқиши күренишлари.**

а) ёпик ҳолат; б) овоз ҳолати; в) шивирлаш (пичирлаш) ҳолати; г) нафас чиқариш ҳолати; д) нафас олиш ҳолати.

- ун (овоз) пайчалари тинч ҳолатда турганда, уларнинг оралиғи очиқ бўлади, натижада нафас аппаратидан келаётган ҳаво оқими шу оралиқдаги пайчаларни тебратмай ўтади. Бундай вазиятда овоз ҳосил бўлмайди;


- овоз пайчалари тортилган (таранглашган) да, улар орасидаги очиқ бўшлиқ юмуқ ҳолатга келади, натижада ҳаво оқимининг йўли тўсилади, ҳаво оқими таранглашган ун пайчаларига урилиб, уни тебратади. Бундай тебраниш овозни (асосий тонни) юзага келтиради. Шунинг учун бўғиз бўшлиғИ овоз манбаи ҳисобланади. Овоз эса унли товушларни, жарангли ва сонор ундошларни шакллантиришда физик сомпонент сифатида қатнашади.

- овоз пайчалари бўшроқ тортилган ҳолатда шу пайчалар орасида торроқ бўшлиқ юзага келади, ҳаво оқими шу бўшлиқдан сирғалиб, ишқаланиб ўтади, аммо ун пайчаларини тебратмайди, натижада шовқин ҳосил бўлади, бу шовқин пичирлаб ёки шивирлаб гапирганда қўлланади;

в) ҳалқум- бўғиздан юқорироқда жойлашган бўшлиқ. У уч қисмдан иборат: пастки қисми ҳиқилдоқ (бўғиз)га туташган ўрни; ўрта қисми- ҳалқумнинг оғзи. Бу қисм оғиз бўшлиғИ томонга очилган бўлади; юқори қисми- бурун бўшлиғига ва эшитиш пайларига бириккан (туташган) қисми;


г) оғиз бўшлиғи- тил, кичик тил, тишлар, лаблар, лунжлар, қаттиқ ва юмшоқ танглай, тил ости мускулидан иборат аппарат. У орқа томонидаги томоқ орқали ҳалқумга туташади;

д) бурун бўшлиғи - қўшимча тон манбаи. У юмшоқ танглай охиридаги кичик тилнинг қуи томон ҳаракат қилиши натижасида резонаторга айланади: ҳаво оқимининг бир қисми бурун бўшлиғидан ўтиб, қўшимча тонларни юзага келтиради. ўзбек тилининг м, н, нг ундошлари шу аппаратишироқида юзага келади.



**5-расм. Бошнинг бўйлама кесмаси. Юмшоқ танглай пастга томон силжиган.**

И. Оғиз бўшли



**6-расм. Бошнинг бўйлама кесмаси. Юмшоқ танглай юқори томон силжиган.**

*Фаол аъзолар:* 1-лаблар; 2-тилнинг олд қисми; 3-тилнинг ўрта қисми; 4-тилнинг орқа қисми; 5-тил ўзаги; 6-кичик тил; 7-юмшоқ танглай; 8-ҳалқумнинг орқа қисми.

*Нофаол аъзолар:* 9-олд томондаги юқори тишларнинг учи; 10-олд томондаги юқори тишларнинг орқа қисми; 11-12-қаттиқ танглайнинг олд қисми; 13-танглайнинг ўрта қисми; 14-юмшоқ танглайнинг олд қисми; 15-юмшоқ танглайнинг орқа қисми.

2. Нутқ аъзоларининг физиологияси дейилгандага шу аъзоларнинг ҳаётий кечимлари, муҳит билан бўладиган муносабатлари назарда тутилади. Бундай кечим бош мия қобигининг чўзинчоқ мия қисмида жойлашган марказий нерв системаси томонидан бошқарилади. Бу система маҳсус функцияларни бажарадиган нерв хужайралари тўпламидан иборатdir. Унинг брок маркази деб номланувчи тури нутқнинг юзага чиқишида қатнашадиган мушакларни ҳаракатга келтирадиган нерв маркази ҳисобланади. Эшитув маркази номли тури эса эшитиш аъзоларидан келадиган таъсирни идрок этадиган нерв маркази саналади. Бу марказ фаолиятини ўрганиш фонетиканинг персептив (эшитиб ҳис этиш) аспекти деб ҳам қаралади. Демак, тил воситасида амалга ошириладиган нутқий алоқа бевосита шу марказлар иштирокида юз беради.

3. Нутқ аъзоларининг ижро кечими – нутқ аъзоларининг нутқ товушларини ҳосил қилишдаги иштироки (ҳаракати ва ҳолати). Бундай кечим, юкорида айтиб ўтилганидек, нутқ аъзоларининг физиологияси билан боғлиқdir. Одатда, нутқ аъзоларининг ҳаракати ва ҳолати артикуляцияни шакллантиради. Артикуляция эса ҳар бир миллат вакилларида психологик ва физиологик кўникмаларга таянади. Бу ҳолат ўша миллат тилининг артикуляция базаси ҳисобланади. Шунинг учун бир миллат вакилида бошқа миллат тилига хос артикуляция базаси (психологик ва физиологик кўникмалар) бўлмаслиги мумкин. Демак, тиллар бир-биридан артикуляция базаларидаги баъзи белгилари билан ўзаро фарқ қиласи.

Ҳар қандай нутқ товушининг артикуляцияси уч босқичдан таркиб топади: биринчи босқич-экскурсия (ҳозирланиш), иккинчи босқич – ўрта ҳолат (иш ҳолати), учинчи босқич-рекурсия (талаффузнинг қайтиши). Нутқ жараёнида бу босқичларнинг чегараси мавҳумлашади: одатда, бир товушнинг артикуляцияси ниҳоясига етмай, иккинчи товуш экскурсияси бошланади, натижада товушлар бир-бирига динамик равишда уланиб, улар орасидаги талаффуз чегаралари сезилмас ҳолга келади. Бундай чегараларни ёзувда (ҳарфлар мисолида) аниқ сезиш мумкин.

1) нафас аппарати товуш ҳосил қилиш учун керак бўлган ҳаво оқимини етказиб беради; 2) бўғиз (хиқилдок) овоз ҳосил қиласи; 3) ҳалқум, оғиз бўшлиғи товушни шакллантиради; 4) бурун бўшлиғи қўшимча тон беради.

Эшитиб ҳис этиш аспекти (персептив аспект). Фонетиканинг бу аспекти фонетик бирликларнинг эшитиш аъзоларига таъсирини ҳис этиш орқали сўзнинг маъносини ёхуд гап ва нутқ мазмунини идрок қилиш қонуниятларини ўрганади.

Маълумки, инсон ташқи дунёни ўзининг сезги аъзолари орқали ҳис этади: кўради, эшитади, сезади. Фонетик бирликлар ҳам моддий-материал ҳодиса сифатида инсоннинг эшитиш аъзоларига таъсир қиласи, аммо бу таъсир

шунчаки моддий ҳодисанинг таъсиригина эмас, балки фонетик сўзнинг (маънога эга бўлган форманинг) ёхуд гапнинг таъсири бўлади. Шунинг учун ҳар қандай сўзни, сўз шаклини ёки гапни эшитганимизда, онгимизда шу бирликларнинг маъноси ёки мазмуни, аникрофи, маъно ёки мазмун образи гавдаланади. Бундай ҳис этиш, идрок қилишсиз тилнинг бирорта функцияси (номинатив функция, коммуникатив функция, эмотиве функция ва ҳоказолар) амалга оширилмайди.

***Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар:***

1. Нутқ аъзолари анатомияси ҳақида тушунча беринг?
2. Нутқ аъзолари алоҳида бўлаклари фаолияти нима вазифаларни юажаради?
3. Товуш пайдо бўлиш манбалари айтинг?
4. Қандай нафас олиш турлари бор?
5. Нутқ аппаратлари физиологияси неча қисмдан иборат?
6. Нутқ аъзолари фаолияти ҳақида тушунча беринг?

### 3- АМАЛИЙ МАШФУЛОТ: Нафас ва овозни мустаҳкамловчи машқлар РЕЖА:

- 1.Нафас.
- 2.Нафаснинг пайдо бўлиш ўринлари.
- 3.Хулоса.

**Таянч иборалар:** Овоз маркази, кўкрак нафас, қорин нафас, диафрагма нафас, пазуха, трахея, юз мускуллари, оғиз бўшлиғи

Нафас олиш инсон учун заруриятдир. Нафас олиш ва чиқариш олинган кислородни карбонат ангидрид гази билан алмashiшида рўй берган фаолиятидир. Бу алмashiш ўпкадаги ҳавони янгилаш жараёнида рўй беради.

Нафас олинганда кўкрак қафаси олдинга ёнга, тепага ва пастка кенгаяди.

Нафас олиш тури уч хил бўлади:

- а) қорин нафаси,
- б) кўкрак нафаси,
- в) диафрагмал аралаш нафас.

Шундай қилиб нутқ аппаратини перефериқ қисми бўлган овоз ҳосил қилувчи, артикуляция системаси – овоз чиқарувчи ва нафас олиш системаси фаолият жараёнидабу учала қисм бир вақтда ишлайди ва олий мия, яъни нутқ аппарати марказий бўлимида бошқарилади.

#### **Талабаларнинг нутқидаги камчиликларини ўрганиш ва бартараф этиши йўллари.**

Шу фанни ўрганиш лозим бўлган талаба ижодкорларнинг нутқий камчиликларини якка тартибда яъни ҳар бир талабани ўзига ҳос камчиликларини аниқлаб олишга қаратилади. Бунда қуйидагича диаграммага амал қилган ҳолда ҳар бир талабанинг камчиликлар анкетасини тузилади:


1-жадвал

Ф.И.Ш.	Гурӯҳ	Нафас	Овоз	Орфоэпия	Диалект
Хамдамов Фурқат	1.Драма ва кино актёрлиги	Кўкрак нафас	Хира, метал йўқ, диапазон қисқа	Унлилар: а – ёйик и – қисқа ў-улашган	Наманган шевасида гапиради.
Махмудова Раъно		Елка аралаш кўкракдан нафас	Кучсиз диапазон, қисқа.	Унлилар. У, ў, а, о Ундош Т,л, р,	Сурхандарё


Талаба камчиликлари ўрганиб бўлингач, оддий машқлар мажмуаси орқали уни бартараф этириш ҳолатлари жадвалда ифодаланади ва у эришган

ютуқлари диаграммаси яратилади. Шунда ҳар бир талабани жорий ўзгаришини аниқлаймиз.

## 2- Жадвал


Ф.И.Ш.	Гурух	Нафс	Овоз	Орфоэпия
Хамдамов Фуркат		Нафас машқлари: а) Чуқур нафас олиб нафасни диафрагммага йўллаш. Оғирлик икки оёққа кўкрак салгина олдинда, елка эркин	Овоз машқлари: а) овоз марказини топиш. Талбадаги жарангни топиш	А- олдга йўналтириш лабларни йиғиш керак ва мисоллар билан уни тўлдириш.
Махмудова Раъно	1. Драма ва кино режиссёрги	Кўкрак кўтарилимаслигини назорат қилиш ва тўғри нафас олишни ўргатиш.	Овоз марказини топиш. Пастга тепага секинлик билан кўтариш ва тушуриш, мусика, ансанблдан фойдаланиш  	О – тишлилар қатори бир ярим бармоқ оралиғида лаблар доира шаклида сал олдинга тортилган.

Талабанинг машғулотларда эришган ютуқлар диаграммаси.



Талабанинг овоз диапазони паст эди. Уни овоз марказини эгаллашгача бўлган машғулотлари акс этирилган. Талаба юқорида гапиради. Уни овоз марказига қараб пастга туширилади

- 1 – Бошлангич давр
- 2 – Эришган натижа
- 3 - Машғулот кунлари



Талаба кўкракка нафас олади. Уни диафронмая нафас олишга ўргатилиади.

- 1,2,3 – Нафас тўлади
- 4 – Кўкрак нафас
- 5 – Машғулот кунлари
- 6 – Корин нафас
- 7 – Машғулот кунлари

### **1. Кўкрак нафас**

Талабалар билан сурункали якка машғулотларда Нутқ санъати фанининг ибтидоий воситалари мукаммал ишланиши ўз натижасини кўрсатади. Машғулотларда назарий сабоқлардан олган билимларини амалиётда ўзлаштиришни назорат қилинади.

#### **Нафас ва овоз машқлари.**

#### **Амалий машқлар.**

#### **Нафас олиш ва чиқариш машқи.**

Барча машқлар пайтида қоматни тўғри тутишни одат тусига киритиши лозим. Чунки, бусиз машқлар яхши натижа бермайди. Яхши тутилган қомат ижрочиликда гўзаллика олиб келади. Оғирликни икки оёқ ташлаб тик туришлари, кўкрак қафаси сал олдинга кўтарилиб, елкалар эркин ҳолда кенгайтирилади. Бош ва бўйин ғоз (лекин эркин) тутилади: умуртқа суягининг бел қисми қоматни кўтариб туради. Қомат керакли ҳолатга киргач, ўнг қўл кафти, бош бармоқ кўкрак сатхи ўртасидаги қовурғалар айриладиган жойда, чимчалоқ пастда – кенг очиқҳолда қоринга қўйилади чап қўл эса бундай кенг очилмаса ҳам шундай ҳолатда чап томон қовурғаларининг тугалланиш (етимча қовурға) қисмига қўйилади ва нафас олинган ва чиқарилганда нафас органлари харакатини текшириб турилади.

Шундан кейин секин нафас чиқарилади. Бир икки сония тиниш (пауза) қилиниб, яъни бу вақтда нафас олинмайди ҳам чиқарилмайди. Сўнгра эркин,

хотиржам нафас олинади. Машқ қилаётганда диафрагма күтарилишини ва ўпкага ҳаво тўлишини назорат қилинг.

Нафас машқларида бурундан нафас олинишини доимий назорат қилиш лозим. Бурундан нафас олиш нафас йўлининг юқори қисмida бурун ва қўлтиқ ўсимталари (пазуха) халқум, ҳиқилдоқ ва кекирдак (трахея) лар орқали юз беради.

Ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтишда тозаланади, илитилади ва у майинлашади. Акс ҳолда оғиз бўшлиғи орқали олинган ҳаво танадаги газ алмашишни ёмонлаштиради. Ўпкага йўналтирилган ҳаво ўпканинг алевеолалари фаолиятини сусайтиради. Бу саломатлик учун заардир.

Шу боис бурундан нафас олишни машқ қилинади.

### **Нафас гимнастикаси учун**

#### **машқлар.**

1.Бурун ўнг катагини ўнг қўл кўрсаткич бармоқ билан беркитиб, чап бурун катагидан нафас олинади, чап бурун катагини беркитиб ўнг бурун катагидан нафас чиқарилади. Навбатма – навбат 4-6 маротаба қайтарилади.

2.Бурун катакларини ён тарафидан иккинчи кўрсаткич ёки ўрта бармоқ билан силанади ва нафас олинади. Нафас чиқарганда бармоқлар билан урилганда нафас чиқарилади. 4-6 маротаба қайтарилади.

3.Нафас қисқа олинади. Кейин кўрсаткич бармоқ уни билан тез харакатда бурун катаклари паст қисмдан бурун учига қараб юкорига кўтарамиз. 4-6 маротаба қайтарилади.

4.Нафас олганда бурун катаклари кенгаяди. Нафас чиқарганда ўз ҳолига келтирилади. 4-6 маротаба қайтарилади.

Машқларни давом этирганда нафас машқини харакат билан боғлаш фойдалидир. Бунда бурундан нафас олишни енгилаштириб, уни тўғри сарифлашга ўргатади.

5.Гавда ҳолати тўғри. Нафас оламиз ва нафас чиқараётганда (аста) эркин, енгил бошни ўнга кейин чапга бурамиз; Асл ҳолатга келамиз. Нафас олганда бошни тепага, пастга тушурамиз. Яна асл ҳолатга келамиз 4-6 маротаба қайтарилади.

6.Тик турган ҳолда. Қўллар тушурилган, оғиз очиқхолатда. Нафас олганда қўлларни ёнга очамиз. Сокин нафас чиқарганда қўллар асл ҳолига қайтади. 4-6 маротаба қайтарилади.

7.Ўтирган ҳолда, қўллар белда. Нафас олганда тирсаклар орқага харакат қиласиди. Нафас чиқарганда эгиламиз, қўллар тиззагача қўйилади. 4-6 мартаба қайтарилади.

8. Тик турган ҳолда, қисқа нафас оламиз. Қўлларни ён тарафга ташлаймиз. Нафасни оғиздан чиқараётиб «Х» товушини айтамиз. Шу вақтни ўзида елкаларни қучамиз. 4-6 маротаба қайтарилади.

Нафас олиш машқлари талабаларнинг ўзлаштириш меёрига қараб оддийдан мураккаб машқларга ўтилади. Барча нафас машқлари диафрагматик аралаш нафас олишга тўлиқ замин яратади. Бу эса тани соғ инсонлар учун зарурият хамда овоз билан боғлиқ профессионал санъаткорлар учун албатта мухимдир. Овозни аввалидан тўғри жарангига эришиш учун нафас машқларида нафас чиқараётганда қандайдир матнни фикрда талфуз этиш керак. Чиқаётган ҳаво қатламини лабларни брикирилган ҳолда чиқариш керак.

Ҳар бир машқлар машғулотларда мускуллар таранглашади шу боис 2-4 машқдан кейин мускулларни бўшатиш керак.

Нафас машқларини шартли тўрт гурухга бўлиш мумкин:

1. Статик нафас машқлари. У турган, ўтирган ва ётган ҳолда бажарилади. Бу машқларнинг вазифаси диафрагмал нафас олиш техникасини эгаллаш, қорин мушакларини фаоллаштириш, унинг ритмини назорати ва нафас олиш ва чиқаришни таъминлашдир.

2. Динамик нафас олиш машқлари. Бу машқлар физик харакатлар орқали бажарилади. Бу машқлар диафрагмал нафас олишни мустахкамлайди.

3. Майший иш билан машғул вақтдаги нафас олишни машқ қилиш. Юрганда, зинапоядан кўтарилиш вақтида, ва бошқа меҳнат жараёнида олинадиган нафас машқи. Бунда маҳсус машғулотларда эгалланган таълимни иш ва харакат вақтида қўллаш.

4. Матнларни ўқиши вақтидаги нафас олиш машқи. Бу ерда мақсад матн мантиғига мос маълум қисмда олинадиган нафас олиш машқидир.

Барча машқларда у харакатга боғлиқми ёки йўқми ва танамизнинг ҳолатига қарабми, қўл, оёқ, бошларимизни иштирок этадими, у машқлар бизнинг маҳсус қўйган вазифа ва мақсадимиз асосида бўлиши керак.

### **Ўтирган ҳолдаги машқлар мажмуаси.**

Бу машқларда қорин мускуллари, диафрагма, бел мускулларини мустахкамлайди. Худди шундай вазифани тананинг ҳар ҳил харакатида эгилишда, ҳар томонга бурилишда эришамиз.

1. Даствлабки ҳолатлар: Стулда оёқларни бироз ораси очиқ, бел вертикалтўғри, қўллар эркин тиззаларда. Нафас олганда оёқлар уни билан полга (ерга), турмоқчи бўлгандай тиралади, стулдан турмоқчи бўламизу туролмаймиз, тос бироз кўтарилади. Иккала қўл қисилган ҳолда қорин тамон тортилади. Нафас чиқаришда 10 гача саналади. Санаш фикрда бўлади. Секин аста саноқ сонини кўпайтириб бориш кўзда тутилади ва матнга ўтиш тавсия

етилади. Машқ 4-б маротаба қайтарилади. Сүнгра тиниш яъни пауза вақти. Дастлабки ҳолатга қайтарилади. Мускуллар бўш ҳолатига ўтилади.

2.Дастлабки ҳолат: Биринчи машқ сингари. Нафас олишда кўлларни белларга қўямиз, оёқларни тўғри қўямиз. Бел ҳолати вертикал, енгил олдга энгашамиз.

Нафас чиқарганда дастлабки ҳолатга қайтамиз. Нафас чиқаришда фикрда ишланади, 12 гача саналади. Анашу белгиланган сонга ҳаво харажати мос келиши керак. Кейин тиниш (пауза) даври. Машқ 4-б марта қайтарилигач дастлабки ҳолатга қайтамиз.

Машғулотларда машқлар мажмуасини ҳар хил қўл ва оёқ харакатлари билан бойитиш жоиз. Ҳар бир талабага турли харакатлар асосида машқлар бериш ва якка тарзда гурухли машқлар бериш мақсадга тезроқ эришишни таъминлайди. Ҳар—хил машқларни бир вақтни ўзида талabalар билан ишланса, уларнинг диққат элементини шаклланишига олиб келади. Чунки гуруҳда ҳар бир талаба иш билан машғул бўлади. Назорат вақтида машқларни тўғри бажарилишини текшириб турилади. Фикрий машқлардан овозли машқларга ўтганда эса уйғунликка эришилади, ва талбаларни ўзаро йигади.

### **Тик туриш ҳолатидаги машқлар.**

1.Дастлабки ҳолат: Оёқлар енгил очик, кўллар тана бўйлаб эркин тушурилган.

Нафас олиш чоғида қўллар белда, бош (олдига қараб) кўтарилиган, беллар йўналишига қараб тўғри.

Нафас чиқарганда фикрда 10,12,15 саноқлари саналади. Секин аста дастлабки ҳолатга қайтарамиз мускуллар бўшашибди. Дам олиш. Машқни 4-б марта қайтарилади. Фикрда санаш машқини секин аста овоз чиқариб давом этирилади.

2.Дастлабки ҳолат: Нафас олганда гавда олдга горизантал ҳолатда эгилади. Қўллар ёнга кенг очилади. Кураклар бирбирига яқинлашгани сезилади. Елка йўналиши бўйича тўғри ҳолатда.

Нафас чиқариш вақтида фикрий саналади. Овоз чиқариб саналганда гавда тўғирланади. Талабаларининг ўзлаштиришига қараб сонлар секин аста кўпайтириб борилади. (12дан 20гача) 4-б марта қайтарилиб, дам олиш ҳолатига ўтамиз.

3.Дастлабки ҳолат: Юриш вақтида нафас олиш машқи.

Оёқлар бир жойда, кўллар тана бўйлаб тушурилган нафас олганда оёқни тизза тамон қўтарамиз. Нафас чиқаришда берилган ритм асосида юрамиз. Ритм қўллардан чапак чалиш орқали берилади.

Нафас чиқаришда оёқниүз ҳолига келиши ва бу вақтида аввал фикрда, сүнгра овоз чиқариб 15, 18, 20, саноғини санаш. Фикрий машқ қилгач, овоз чиқариб санашга ўтилади.

Машқ 4-6 марта қайтарилади. Дам олиш ҳолати.

4.Турган жойда югуриш машқлари. Нафас олганда оёқни тизза томон күтарамиз. Нафас чиқарғанда югурамиз. Ритм, вазифа тарзидә мұраббиёрқали берилади.

а) Нафас чиқарғанда фикрий 20, 25, 30 гача саналади.

б) Нафас чиқарғанда фикрий 15, 20 гача саналади. Тұхтаб захирадаги қолған нафасда овоз чиқариб саналади. Секин аста тез айтиш, түртлик шеърга ўтиш мүмкін.

Юриш ва югуриш ҳолатидаги нафас машқларында жуда эътибор билан қараш ва нафас чиқаришда ҳавони әхтиёт бўлиб сарфлаш керак.

Бу машқлар чарчаб қолиш, харсиллашни йўқотади. Бу харакатдан кейин матнни овоз чиқариб айтишда текширилади.

Бу машқлар, олинган нафас харажатини кенгайишини таъминлайди. Шу боис машғулотлардан кейин шеър ёки матнни овоз чиқариб ўқиш керак.

### **Ётган ҳолда нафас олиш машқлари.**

1.Дастлабки ҳолат. Орқа билан ётган ҳолат. (Бошга ёстиққўйилмаган, ерда гилам устида, диванда) Тананинг ён бошида қўллар эркин ҳолда ётибди. Нафасни ўпкага олган ҳолда, қўлларни бош томон тез харакатга келтирамиз. Белгиланган маромий нафас чиқаришда фикрий 10, 12, ва хоказо, саналади.

Қўллар секин майин харакат билан ўз ҳолига дастлабки ҳолатга қайтади. Машқни 4-6 маротаба қайтарилади.

2.Дастлабки ҳолат: Нафас оламиз. Нафас чиқаришда секин, Майин харакат билан оёқларни тўғри бурчакли тепага күтарамиз. Сүнгра тиззага қайтариб қоринга яқинлаштирамиз. Белгиланган маромий нафас чиқаришда 10, 12, 15, (оширманг)саноқлари саналади. Жамланган нафас тугагач, нафас олинади.

Тез нафас олиш даврида майин харакат билан оёқларни тепага күтарамиз ва дастлабки ҳолатга қайтамиз. Мускулларни бўшатамиз. Машқ 4-6 марта қайтарилади.

3.Дастлабки ҳолат: Қоринда ётган ҳолат. Оёқлар биргаликда, қўллар бош узра тепага кўтарилиган. Нафас олганда қўллар кўтарилади, бошни ҳиёл орқага ташлаб, белни эгилтириб, оёқлар кўтарилади.

Нафас чиқаришда қўлларни бош ёнбошига аста қўйилади. Бўйин, қўл елка, оёқ ва умуртқа поғонаси мускуллари бўшатилади. Сонларни овоз чиқариб саналади.

Юқорида кўрсатилган ва машқлар мажмуасини янги таркибини давом этирганда қорин бўшлиғи мушаклари таранглашишини, умуртқа погонаси мушакларини яъни диафрагматик аралаш нафас олишни мустахкамлашга қаратилиши керак.

Бу машқлар биринчи босқичда наъмуна хисобланади. Машқлар мажмуаси доирасини ҳоҳ якка, ҳоҳ гурухли машғулотларда чекланмаган ҳолда давом этириш керак.

Биз юқорида фанатсиян нафас олиш машқларига тўхталдик. Энди нафас олиш жараёнида иштирок этувчи аъзоларининг силаш (массаж) жараёнига тўхталамиз.

Пайларни массаж қилишда унинг фаолиятини яхшилаш, уларни пайлар сикиқлигидан ҳоли қилишдир.

Асаб пайлари кўпчилигининг тугалланиш жойи юз қисмida жойлашган бўлиб, (пешона, бурун, энгак) ва оғиз бўшлиғи (тил, қаттиқ танглай, милклар) овоз ҳосил қилувчилардир. Кўп асабларнинг тугалланиши юз териси яқинида, бўйин, кўкрак қафасида, қоринда бўлиб, булар мураккаб пайчалардир ва улар нутқ пайдо қилувчи аппаратдир

Ўз – ўзини массаж қилиш нутқ азоларини фаолиятига тайёрлайди. Биз ўз касбимизнинг тақозасига кўра. Фойдали хамма учун хаётий заруриятни ифодаловчи массаж кўринишларидан:

- Гигиеник силаш (массаж)
- Титратувчи (секин, майин уриш) (массаж)

Силаш машқларида терига яқин бўлган асаблар тизмини ишини фаоллаштиради.

Тебратувчи – секин – секин уриш орқали массаж қилинганида чукур асаблар тизмини уйғотади, ишлашга ундейди. Бундан ташқари пайларни чарчоғини йўқотади ва овоз ҳосил қилувчиларни шайлайди.

Бу машқларда шовқинли жарангдор Ж, З, В, ва сонар товушлар М, Н, Л, Р ни иштирок этишини таминаласа, овоз тўлқини ишга тушишига эришилади.

Гигиеник силаш машқларини аввал товушсиз кейин товуш билан давом этиришни тавсия этамиз. Тебратувчи массажни эса фақат товуш билан амалга ошириш керак.

Ўзини массаж қилиш машқларини аввал мураббий назоратида, кейин эса, секин аста эрта тонгда якка ўзи бажаради. Юқори курсларда катта бадиий асар ижросида эса ўзини массаж қилишни бир соат олдин бажариш керак. Мабодо ижрочи ўзида хорғинлик сезса ёки пайларини сикиқлигини сезиб қолса, албатта ўзини ўзи массаж қилиш машқига мурожат қилиши керак.

Ўзини ўзи массаж қилиш қоидалари.

1. Массаж қиласынан қўллар ва баданинг массаж қилинадиган қисмлари тоза бўлиши шарт.
2. Барча массаж харакатлари лимфалар ва вена томирлари бўйича бўлиши керак.
3. Массаж қилаётганда пайлар бўшашибшлиги шарт.
4. Массаж оҳиста ва равон қилиниши керак.

***Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар:***

1. Нутқ аъзолариниг анатомияси ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Нутқ аъзоларини переферик – физиологик фаолияти қандай бўлади?
3. Нафас олишни неча ҳил тури мавжуд?
4. Нутқ фаолиятида юқоридаги таркибдан қандай фойдаланилади?

## **4- АМАЛИЙ МАШФУЛОТ:**

### **Талаффузни такомиллаштирувчи машқлар**

#### **РЕЖА:**

1. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар тизими..
2. Унли товушлар артикуляцияси ва талаффузи.
3. Унли фонемалар таснифи..
4. Вокализм ўзбек адабий тилининг унлилари тизими.

**Таянч иборалар:** Унлилар, фонемалар, тасниф, лаблар, вертикал, горизонтал, фонологик, тилшунослик, вокализм, комбинатор, позицион, оттенкалар.

Санъатоламигақадамқўйганкишилардагинутқийнуқсонлархарактериҳархи лбўлади. Нутқ товушларининг талаффузи билан алоқадор бўлган дикцион нуқсонлар асосан ундош товушларда кўпроқ учрайди. Масалан **Р** ундоши талаффуз этганда тил учининг этарли тебранмаслиги, **С** ундошини **шсф** тарзида талаффуз этиш каби холлару чрайди.

Унли товушларга оид талаффуз нуқсонлари ҳам хилма хилдир. Товушлар талаффузига оид бундай дикцион нуқсонларни бартараф этмасдан туриб, бадиий етук сўз санъати асари тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек дикцияси мукаммал тўғри бўлган кишилар ҳам дикцион машқ билан шуғулланишлари шарт, чунки саҳна шароити ҳар бир нутқ товушининг оддий турмушдагига нисбатан аниқроқ, жонлироқ талаффуз этилишни тақозо этади. Бунинг бирдан-бир йўли машқлар воситаси билан ана шу саҳна ҳақиқатини эгаллашдир.

#### **Унли товушлар.**

Ҳар бир унли товушнинг характери тил, лаб, жағнинг ҳолати билан белгиланади. Унли товушлар инсон овозини бойитувчи, тўлдирувчи манбаълардан биридир. Шу боис ҳар бир актёр, сўз санъати билан шуғулланувчи санъаткорлар унли товушлардан унумли фойдаланишлари ва унлиларнинг физиологияси, характерларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида 6 та унли фонема мавжуд: и, э, а, о, ў, у.

Аммо талаффуз пайтида **10** та ва ундан ҳам кўпроқ эканлиги кўринади.

Лабларни иштирокига қараб лабланган, ҳамда лабланмаган турларга бўлинади. Уларни яна бир куриниши қўшма товушлар е-е, ю-ю, ё-ё, я-Й.

Бу товушларни тўғри талаффузи унли товушлар ва «й» товушининг талаффузига боғлиқ.

И – лабланмаган, тил олди, тор унли. Талаффуз пайтида лаблар енгил «табассум» ҳолатида икки ёнга салгина тортилади.

Иккала тиш қатори сал кўриниб туради.

1. И – унлиси сўз бошида келганда тил олди тор унли бўлади ва тор талаффуз этилади.

Идиш

ишонч

Истак

Издош

2. Ўзбек тилида «и» унлисига сўз бошида урғу тушмайди, бу ҳолатда ҳиёл кенгроқ талаффуз этилади

Идора

иморат

изғирин

Имло

3. Ургусиз бўғинда олд қатор, юқори тор урғули бўғиндаги «и» унлисидан бир оз кенгроқ талаффуз этилади.

биrok

билан

сира

бирикиш

синаш

4. Урғули бўғинда «И» унлиси чўзиғроғ (кучлироғ) талаффуз этилади.

ҳамиша

оҳирги

брекиши

5. Аксарият ҳолларда ўзбек тилида оҳирги бўғин урғули бўлади. Айрим ҳолларда маҳсус стилистик мақсаддагина уни такидлаш учун ишлатилади.

### **Масалан:**

- ишчиdir

талабадир

6. Оҳирги урғули бўғинда «И» унлиси чўзиқ кучли талаффуз этилади.

олтин

овсин

яшик

метин

7. Охирги очиқ бўғинли сўзлардаги «И» унлиси «И» билан «Э» товушлари орасидаги унли сифатида талаффуз этилади

- тепки
- маҳси
- шоти
- берди

8. Бир бўғинли сўзларда «И» унлиси қисқа ва кенг талаффуз этилади.

- биз
- бил
- дия
- виз

9. Й ундоши билан келганда «И» унлиси чўзиқ талаффуз қилинади.

- тий      - тил
- кий      - кишт  
    қиёсланг
- чий      - чит.
- бий      - бир.

10. К, Г, Х товушлари билан келганда қисқа талаффуз этилади.

- ғиш
- қир
- қиши
- ғир – ғир  
    хирмон

**Э – унлиси**, тил олди, лабланмаган ўрта кенгликдаги товуш. Талаффуз вақтида лаблар и товушидаги каби, жағ и товушидагига кўра сал кенгроқ, очиқ тилнинг ўзидаги ва ўртаси ҳиёл ёй хосил қилиб, қаттиқ танглай ва тил оралиғи масофаси бир оз кенгаяди.

1. Сўз бошида келганда тил олди, ўрта кенг талаффуз этилади.

- эшик
- энага
- эртак
- эски

2. Урғусиз э товуши олд қатор лабланмаган, ўрта кенг талаффуз қилинади.

- |                  |                    |
|------------------|--------------------|
| -беда            | - бет              |
| - кеча           | - кеч              |
| Очиқ бўғин -екин | ёпиқ бўғин -мерган |
| -метин           | -мезбон            |
| - мезон          |                    |

Э товуши урғули бўғинда учрамайди.

3. Бир бўғинли сўзларда бир оз тор (юмиқ) тил учи бир оз олдинга силжийди.

- чек
- бек
- бел
- сел

**А – унлиси**, олд қатор, кенг, лабланмаган талаффуз вақтида оғиз бармоқ (бир) сигарли даражада очик, лаблар эркин. Тилнинг учи пастки тишлар қаторига тегиб туради.

1. А унлиси урғусиз бўғинда келганда қисқа талаффуз қилинади:

- ака
- абадий
- аввал
- астар

2. Урғули келганда чўзиқ ва кучли талаффуз қилинадиганга

- андак
- аслида
- асло
- андак
- аслида.

3. бир бўғинли сўзларда юмшокроқ ва қисқа талаффуз этилади:

- дам
- бас

4. қ, ғ, х – ундошлари билан келганда орқа қаторга яқинроқ чўзиқ талаффуз қилинади.

х – ундоши билан келганда олди қатор чўзиқ талаффуз этилади:

- |          |         |
|----------|---------|
| - равнақ | - аблах |
| - шафақ  | - ҳаво  |
| - мазаҳ  | - ҳадик |

**О - унлиси**, бир оз лабланган, тил орқасида ҳосил бўлади. Талаффуз этишда тишлар қатори оралиғи бир ярим бармоқ сигарли даражада очик, лаблар «а» унлиси талаффузидек, лаблар йификроқ, сал чўчайган ҳолатда.

О – унлиси талаффузида лаблар доира шаклига мойил, сал олдинга чўзилган. Тил орқага тортилган тил учи қуий милкларга тегар тегмас, бели ва ўзаги ўртага ёй ҳосил қиласди.

1. Урғули бўғинларда кучлироқ ва чўзиқ талаффуз қилинади.

- савоб

- ундов
- жавоб
- тергов

2. Редукцияланган тури. Урғусиз бўғиндаги унлини кучсизланиши:

- тўғоноқ
- сичқон
- хитой
- хром

3. Дифтонг оид тури (оу ва оў):

- бешов
- ховли
- новда
- ишлов
- нов

к, г, х, й, ч, ж ундошлари билан келганда бир оз юмшоқ. қ, ғ, ҳ ундошлари билан келганда қаттиқ талаффуз этилади

Бироз юмшоқ	қаттиқ
- кон	- қон
- ҳол	- ғор
- бўғдой	- қол
- чой	- ҳом
- жой	- ҳон
- гоҳ	- ҳомуш
- гоҳо	- ҳомток
- гоҳ – гоҳ	- қора тун - қоракўл - ғоя - ғоз - ғофил

Ў – лабланган, ўрта кенглиқдаги унли. Талаффуз этганда тишлар оралиғи бир бармоқ сиғарли даражада очиқ, лаблар чўччайиб олдинга сўзилади. Тил учи эркин, пастки тишларга тегар тегмас туради. Тил бироз орқага тортилиб ўзагида унча ката бўлмаган ёй хосил қиласди.

1. к, г ва бўғиз товуш ҳ, ч, й ундошлари билан келганда юмшоқ талаффуз этилади.

- кўк
- ҳўл

- гүл
- жүр
- йүл

2. қ, ғ, х каби чуқур тил орқа ундошлари билан келганды қаттиқ талаффуз этилади.

- қўл
- ғўр,
- ўқ,
- ғўла
- хўроз
- хўш.

**У – тил орқа**, тор, лабланган унли. Талаффуз пайтида юқори ва пастки тиш қатори оралиғи жимжилоқ учи сифарли даражада очик. Лаблар хуштак чалаётгандай олдинга чўччайтирилиб, торгина доира ҳосил қиласди. Тилнинг учи (эркин) кўтарилиб туради. Жағ бир оз пастга тушурилиб қаттиқ танглай ва тил сатҳи масофаси кенгайтирилади. Юмшоқ танглай кўтарилади.

1. к, г каби саёз тил орқа ундошлари, х бўғиқ товуши й, ч, ж ундошларидан кейин келганды юмшоқ талаффуз этилади.

- |         |          |
|---------|----------|
| - кун   | -хужра   |
| - кул   | - жуда   |
| - гул   | - гумоли |
| - гумон |          |
| - ука   |          |
| - уйда  |          |

2. қ, ғ, х каби чуқур тил орқа ундошларидан сўнг келганды қаттиқ талаффуз этилади.

- |            |         |
|------------|---------|
| - кул      | - хурмо |
| - ғурбатда | - хуш   |
| - тухум    | - ғунча |
| - хум      | - қуш   |

3. Ургусиз бўғинда қисқа талаффуз қилинади.

- Угра
- узум
- уста

4. Бир бўғинли сўзларда қисқа, тор, юмшоқ талаффуз этилади.

- дуд
- дур
- кул
- пул

Ёлашган унлилар мураккаб товушлардир. Товушлар ё товуши билан бошланади. Шу боис й товушнинг талаффузинигина билиш кифоя қиласди. Иккинчи қисми эса э, о, у, а унли товушлардан иборат.

**Й товуши** тил ўрта, лабланмаган ундош. Талаффуз пайтида лаблар илжайган каби бир оз очиқ ва тишларга ёпишган. Тил учи пастки тишлар қаторига қатиқсина қадалган, тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглайга қараб кўтарилади ва таранг ёйсимон эгилади. Қаттиқ танглай ва тил сатхи оралиғидаги масофа тор, юмшоқ танглай кўтарилган.

- йўл		
- йўриқ	1) я – (й а)	2) ю – (ю)
- бўй	- ялпиз	- юлдуз
- тўй	- ярим	- юз
- йигирма	- яшил	- юр
- йигит	- яғир	- юк
- йироқ	- ялтироқ	- юк

3). Ё – ё	e - e
- ёт	- ер
- ёр	- бер
- ёсумон	- тер
- ёқди.	
- ёмғир.	

Унли товушлар талаффузини такомиллаштириш учун амалий машқлар.

### 1. Унлиларни товушсиз талаффуз этиш.

И – Э – А – О – Ў – У – И

- Унлиларни биридан иккинчисига ўтаётганда товуш артикуляциясига эътибор беринг;
- Овоз иштирок этган ҳолатга ўтинг;
- Ҳар бир унлини талаффузига эътибор беринг, аниқ бўлишига путур етмасин.

2. Унлилар қаторини бир нафасда талаффуз этинг. Ҳар бир қаторида нафас олиш керак. Унлилар қаторини ўриниларини алмаштириб талаффуз этилади.

Э – А – О – Ў – У – И

А – О – Ў – У – И – Э

О – Ў – У – И – Э – А – О

Ў – У – И – Э – А – О – Ў

У – И – Э – А – О – Ў – У  
И – Э – А – О – Ў – У – И.

Унли қаторини ўринларини алмаштириб талаффуз этишни сўзлар билан алмаштииринг.

Нафас. Эркин – алам – олам – ўлка – умр – ирода.

Нафас. Асл – омад – ўзинг – умр – имкон – эт.

Нафас. Оқил – ўтмас – умр – идрок – эди – асаб.

Нафас. Ўтмас – узок – илк – эркатой – адаб – омад.

Нафас. Уқубат – иноят – энгил – ақида – ория – ўткир.

Нафас. Имконият – энага – адабиёт – офат – ўсмир – умид.

Сўзлардаги унли товушлар талаффузига эътибор бериш билан бирга, уларни қисқа ёки узунлигини эътибордан қочирманг.

1. Унлилар қаторини ўткинчи урғу билан талаффузига эришинг. Бирбири билан боғланувчи узлуксиз талаффузи уйғунлигига эришинг. Бу машқда нафас ва овоз ҳамда дикцияга эътибор қаратинг.

И – Э – А – О – Ў – У – И  
И – Э – А – О – Ў – У - И  
И – Э – А – О – Ў – У - И  
И – Э – А – О – Ў – У - И  
И – Э – А – О – Ў – У - И  
И – Э – А – О – Ў – У - И

2. Унлилар қаторини ўз аро сўзлашувидағи «савол – жавоб»

вазифаси асосида машқ қилинг. Ҳар бир товушнинг артикуляциясига эътибор қаратинг. Талабага савол бераётган талабанинг овоз интонатсияси талабга жавоб бераяптими? Ажратилган товушда овоз кўтарилаётими? Урғунинг кетма-кетлигига эътибор беринг. Кўзланган «савол - жавоб» вазифаси бажарилаётими?

Савол:И–Э–А–О–Ў–У?

Савол: И–Э–А–О–Ў–У?

Жавоб:И–Э–А–О–Ў–У.

Жавоб:И–Э–А–О–Ў–У .

Савол:И–Э–А–О–Ў–У?

Савол: И–Э–А–О–Ў–У?

Жавоб:И–Э–А–О–Ў–У.

Жавоб:И–Э–А–О–Ў–У.

Савол:И – Э – А – О – Ў – У ?

Жавоб:И – Э – А – О – Ў – У .

Савол:И – Э – А – О – Ў – У ?

Жавоб:И – Э – А – О – Ў – У .

Машқда кўчма урғуга эътибор қаратинг. Машқлар аста-секин сўзлар, жумлалар иштирокида мустахкамланади.

3. Унли товушларни икки ва ундан кўпларини ёнма – ён талаффуз этинг. Уйғунлашувини таъминланг. Ушбу машқда юқоридаги вазифалар билан ҳам

шүғулланиш мумкин. Ургуни ҳохлаган бўғинга қўйиш мумкин. Товушлар артикуляцияси, нафас овоз ва қўйилган вазифани бажариши уйғунлашиб, бир-бирлари билан боғлансан.

ИЭ – ИА – ИО – ИЎ – ИУ

ИЭА – ЭАО – АОУ – ОЎУ

ИЭАО – ЭАОЎ – АОЎУ – ОЎУИ

ИЭАОУ – ЭАОЎУ – АОЎУИ – ОЎУИЭ – ЎИЭАО ва.х.

Ушбу машқда ҳар бир қатордаги унлиларни бир-бири билан алоҳидалигини ва биргалигини галма галдан машқ килинг. Қатордаги унлиларни биргалигида бир-бирига ўтиши боғланса, алоҳидалигида қисқа ва узук–узуқлигини таъминланг (стасото)

4. Бир бўғинли сўзларда иштирок этувчи унлиларни талаффуз этинг.

а) Ҳар бир унли товушларга бир бўғинли сўзлар жадвали тузилади ва талаффуз этилади.

И	Э	А	О	Ў	У
бир	бер	адл	ор	ўт	ур
кир	эр	аёл	от	тўр	сур
ил	эк	аёз	ок	бўр	тур
ит	эл	аён	бок	сўр	куя
ин	эт	арз	тоғ	кўр	кут
мих	сел	афв	зоғ	зўр	кун
сих	кел	бахс	доғ	кўз	куз туз
хил	мел				дур

ва.хоказо

5. Икки бўғинли сўзларни биринчи бўғинида босим урғу тушишини машққилинг.

И	Э	А	О	Ў	У
бино	бекор	зада	ҳоҳиш	тўқим	кураш
виждон	вергул	жала	қозиқ	сўқим	мушик
гирдоп	девор	камол	ҳолат	сўзим	нуқул
дилгир	зебо	пачоқ	тоқат	зўрға	чучук
инсон	мезон	тарих		кўрик	шуъла

ва. хоказо.

6. Учбўғинлисўзлардагииккинчи бўғиндаги унлиларга урғутушишинимаш қ.

И	Э	А	О	Ў	У
бичиқчи	истехком	Барзанги	лавозим	тошкўмир	маймунжон
бўлинма	истеъро	Баркамол	майхона	бираётла	машғулот
восита	истеъмол	Барқарор	мавлоно	гулкўрпа	маъруза

доира	истеъдод	Батартиб	мукофот	йўлтўсар	нимпушти
	истехзо	Васваса	поғона	нотўғри	нонушта
		Гаплашмоқ	саксовул		ноқулай
		Куйламоқ			омухта
					оқсуяк
					совуқкон
					совурмоқ
					супурги
					тикувчи
					тушкунлик
					хусусият

ва хоказо.

**Эслатма:** берилган мисолларда табиатан урғулар иккинчи бўғинга тушибаслиги мумкин. Унлиларни талаффузини ва артикуляциясини мувофиқлаштириши учун юқоридаги машқлар қилинади.

*Машқларни тўрт ва кўп бўғинли сўзлар орқали давом этиши мумкин.*

*Юқоридаги машқларни матнлар билан ишиланади.*

**Вокализмўзбек** адабий тилининг унлилари тизимиdir. У 6 та фонемани – и, э, а, у, ў, о товушларини ўз ичига олади. ҳозирги (кириллча) ўзбек ёзувида бу 6 та фонема учун 10 та ҳарф (и, э, а, у, ў, о, е, ё, ю, я), янги (лотинча) ўзбек ёзувида эса 6 та ҳарф (и, э, а, у, о, ў) ишлатилади. Фонемалар миқдори билан ҳарфлар (графемалар) миқдори ўртасидаги бундай ҳар хиллик уларнинг бошқа-бошқа ҳодисалар эканлигидан далолат беради.

Унли фонемалар ундошлардан қўйидаги белгиларига кўра фарқланади: а) физик-акустик жиҳатдан: унлилар овоздан таркиб топади, унда шовқин қатнашмайди. Ундош товуш таркибида эса шовқиннинг бўлиши шарт; б)анатомик-физиологик жиҳатдан: унли товушлар талаффузида нутқ аъзолари тўсиқ (фокус) ҳосил қилмайди, бу ҳол ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай ўтишини таъминлайди. Ундошлар артикуляциясида эса албатта тўсиқ (фокус) ҳосил қилинади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб, сирғалиб ёки титраб ўтади, бу жараён ундош товуш учун керак бўлган шовқинни юзага келтиради; в) лингвистик-функционал жиҳатдан: унлилар ҳам, ундошлар ҳам сўз ва морфема таркибида "қурилиш материали" сифатида (шакллантирувчи функцияда) қатнашади; шакллантирилган фонетик сўз ёки морфемаларнинг товуш қобигини бир-биридан фарқлайди, шу орқали уларнинг маъноларини тафовутлаш имконини яратади. Яна: унлилар бўғин ҳосил қилувчи асосий товушдир, ундош фонемалар эса унли билан бирга қатнашади, ўзича бўғин ҳосил қилмайди (сонантлар бундан мустасно, чунки уларда бўғин ҳосил

қилиш хусусияти бор)<sup>1</sup> Шунинг учун бўғин таркибидаги унли шу бўгиннинг чўққиси ("вершина слога") саналади. Бундан ташқари, унлининг ёлғиз ўзи лексик ёки морфологик бирлик статусига кўтарилиши мумкин: учинчи шахс, бирлик маъносидаги "у" олмошининг, шунингдек "а?" сўроқ юкламасининг ифода плани - моддий-материал асоси бир унлидан иборатлиги бунинг далилидир. Ундошларда эса бу хусусият йўқ.

**Унли фонемалар таснифи.** ўзбек тилшунослигига унли фонемалар қўйидаги уч белги асосида тасниф қилинади:

1. Лабларнинг иштирокига кўра: а) лаблашган унлилар (у, ў, о). Бу унлиларни талаффуз қилишда лаблар доира шаклида бир оз чўзилади; б) лаблашмаган унлилар (и, э, а). Бу унлиларни талаффуз қилишда лаблар доира шаклига кирмайди ва чўзилмайди. Таснифнинг бу тури фонологик системадаги "лабланиш-лабланмаслик оппозицияси" талабларидан келиб чиқади.

2. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра: а) юқори тор унлилар (и, у). Бу унлиларни талаффуз қилишда оғиз тор очилади, тил билан қаттиқ танглай ораси ҳам тор бўлади; б) ўрта кенг унлилар (э, ў). Бу унлиларни талаффуз қилишда оғиз ўрта даражада очилади, тил билан қаттиқ танглай ораси ҳам ўртача кенгликда (юқори кўтарилиш билан қуи кўтарилиш орасида) бўлади; в) қуи кенг унлилар (а, о). Бу унлиларни талаффуз қилишда оғиз кенг очилади, тил билан қаттиқ танглай ораси ҳам юқоридаги икки холатдан анча кенг бўлади. Таснифнинг бу тури фонологик системадаги "тилнинг уч даражали кўтарилиши" оппозициясига асосланади.

3. Тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра: а) олд қатор унлилар (и, э, а). Бу унлиларни талаффуз қилишда тилнинг учки қисми пастки тишларга тиради (демак, олдинга чўзилади); б) орқа қатор унлилар (у, ў, о). Бу унлиларни талаффуз қилишда тилнинг учки қисми пастки тишларга тирадмайди (демак, бир оз орқага тортилган бўлади).

Таснифнинг биринчи ва иккинчи моддаларидағи белгилар (лабланиш-лабланмаслик, тилнинг юқори, ўрта ва қуи кўтарилишига асосланган алломатлар) фонемаларнинг фонологик хусусиятларини ифодалайди. Учинчи моддадаги белги (ётиқ ҳаракатдаги алломатлар) эса ўзича фонологик рол ўйнамайди, чунки товушларнинг олд қатор ёки орқа қатор бўлиши лабларнинг иштирокига боғлиқ: лабланмаслик тилнинг тиш томон силжишини, лабланиш эса тилнинг тищдан орқага тортилишини тақозо қиласди. Демак, олд қатор (и, э, а,) ва орқа қатор (у, ў, о) унлиларининг фонологик хусусияти лаблар иштирокисиз намоён бўлмайди.

**Таснифнинг бу тури қўйидаги жадвал берилиши мумкин;**

<sup>1</sup>Mahmudov A. Сонорные узбекского языка. - Т.: "Fan", 1980, 5 va 34- betlar.

№	Тилнинг вертикал (тиқ) харакатига кўра	Тилнинг горизонтал (ётиқ) харакатига ва лабларнинг иштирокига кўра.	
		Олд қатор, лабланмаган	Орқа қатор, лабланган
1.	Юқори тор унлилар	И	У
2.	Ўрта кенг унлилар	Э	ў
3.	Қўйи кенг унлилар	А	О

Ўзбек тилшунослигига унли фонемаларнинг бошқачароқ таснифлари ҳам бор. Чунончи, "ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари" (Б. Тўчибоев) номли қўлланмада вокализм тизимининг қадимги туркий, эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилларидағи ҳолатлари диахрон (тариҳий) планда ўрганилиб, ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмидаги ҳам, эски ўзбек адабий тилида бўлганидек, 9 та унли бор, деган хулоса берилади (22,25-б.) Бу унлиларнинг сифат белгилари ҳам бошқачароқ баҳоланади. қўлланмада келтирилган қўйидаги жадвалга эътибор беринг:

### Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги унлилар тизими.

Лабларнинг иштирокига кўра		Лабланмаган		Лабланган	
Тилнинг тик харакатига кўра	Тилнинг тўғри йўналишига кўра	Тил олди	Тил орқа	Тил олди	Тил орқа
Тор		И	и	Ў	у
Ўрта кенг		Э		θ	о
Кенг		Э		а	

Юқоридаги жадвалдан қўйидагилар маълум бўлади:

- а) ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмидаги унлиларнинг контраст жуфтлари мавжуд: и-и, ў-у, θ-о, э-а каби; б) лабланмаган унлилар 3 та эмас, 4та (и, э, э, и); в) лабланганлар эса 5 та (ў, у, θ, о, а);
- 1. Тилнинг қўтарилиши ва унинг танглай томон яқинлашувига кўра:
  - а) тил олди (олдинги қатор) унлилари - и(ъ), э;
  - б) тил орқа (орқа қатор) унлилари – и(ъ), а, у, о;
- 2. Лабларнинг ҳолати ва иштирокига кўра:
  - а) лабланган – у, ў, о, θ;
  - б) лабланмаган – (ä), а, (a), и, и.
- 3. Тилнинг қўтарилиши ва оғизнинг очилиш даражасига кўра:
  - а) тор унлилар – и(и), и, у, Ў
  - б) ўрта кенг унлилар – э, о, о.
  - в) кенг унлилар – (ä), а, (a).

Юқоридаги таснифни хулосалаб, муаллиф шундай дейди: "хозирги замон ўзбек адабий тилида олтида унли фонема бўлиб, уларни белгиларига кўра жадвалда шундай кўрсатиш мумкин (4,21-б):

Тилнинг кўтарилиш ўрнига кўра	Тил олди (олдинги қатор)		Тил орқа қатор	
Лабнинг ҳолати ва иштирокига кўра	Лабланма- ганлар	Лаблан- ганлар	Лабланма- ганлар	Лаблан- ганлар
Тилнинг кўтарилиш ва оғизнинг очилиш даражасига кўра				
Тор унлилар	И	Ӯ	и	у
ўрта кенг унлилар	Э	Ө	-	О
Кенг унлилар	ә(а)	-	а, (а)	

Шундай қилиб, ўзбек адабий тили вокализмининг таснифи ва тавсифи масалалари ҳозирча анча мунозарали бўлиб қолаётганлигини англаш қийин эмас. Бундай мунозараларга сабаб бўлаётган омиллар қаторида қуидагилар бор:

- 1) эски ўзбек адабий тили вокализмига хос 9 унлили тизимнинг ҳамда шу тизимга хос контраст жуфтликларнинг (и-и, ў-у, э-а, Ө-о каби оппозицияларнинг) ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмидан ҳам сақланганлигини асослашга интилиш;
- 2) қипчоқ лаҳжаси шевалари вокализмига хос фонологик хусусиятларнинг ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмидан борлигини асослаш ҳаракати;
- 3) фонемалар ўрнида уларнинг оттенкаларини (аллофонлари, вариатсияларини) кўрсатиш ҳолатларининг мавжудлиги;
- 4) қуий кенг " " фонемасининг лабланиш-лабланмаслик белгисига берилаётган тавсифларнинг ҳар хиллиги ва бошқалар.

### Айрим унлилар тавсифи:

"и" фонемаси - юқори тор, олд қатор, лабланмаган унли. Бу фонема сўзнинг барча бўғинларида учрайди; ички (биринчи ва охирги бўғинларда), тирикчилик (биринчи, иккинчи, учинчи ва охирги бўғинларда) каби. У чуқур тил орқа қ,ғ,х ундошлари билан ёнма-ён келганда йўғон (орқа қатор) унли тарзида, бошқа барча позицияларда эса ингичка (олд қатор) унли сифатида талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *кир* ва *қир*, *таркиб* ва *тарғиб,ҳиммат* ва

*хилват* каби. Урғусиз бўғинда кучсизланади: *бироқ, билан* (*бър қ, бълен*) каби. Сўзнинг охиридаги очик бўғинда бир оз кенгаяди; борди-борде, кетди - кетте каби;

**"э" фонемаси** - ўрта кенг, олд қатор, лабланмаган унли. Бу фонема бир бўғинли сўзларда (*мен, сен, бешик* каби), кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида (*бешик, этик, телпак* каби) кўпроқ қўлланади.

*Тобе, толе, воҳе, фое, тельефон, телевизор* каби ўзлашма сўзларда қўлланган "э" унлиси этимологик жиҳатдан ўзбекча "э" нинг ўзи эмас.

ўзбекча "э" *экин, эшик* сўзларининг бошидаги тўла очик бўғинда, шунингдек, *эртак, эллик* каби сўзлар бошидаги беркитилмаган бўғинда очикроқ талаффуз этилади, *бегзод, мерган* каби сўзлар бошидаги тўла ёпиқ бўғинда юмукроқ бўлади; *хез, хезламоқ* каби сўзларда (чуқур тил орқа ҳ ундоши билан ёнма-ён келганда) эса орқа қатор, йўғон унли тарзида айтилади;

**"а" фонемаси** - қуйи кенг, олд қатор, лабланмаган унли. Сўзнинг барча бўғинларида кела олади: *анор* (биринчи бўғинда), *телпак* (иккинчи, охирги бўғинда), *нафақа* (сўзнинг учала бўғинида) каби. Бу фонема ҳам, бошқа унлиларда бўлганидек, чуқур тил орқа қ, ф, х ундошлари билан ёнма-ён қўлланганда орқа қатор, йўғон унли тарзида талаффуз қилинади, саёз тил орқа қ, г, нг, тил ўрта й ва фарингал ҳ ундошлари билан ёндош бўлганда эса ингичка оттенка билан айтилади. қиёс қилинг: *касал* ва *қасам*, *камар* ва *қамар*, *така* ва *тақа*, *маҳалва* *шагал*, *сўгал* ва *нагал*, *насиҳат* ва *тилҳат*, *дангал* ва *дағал* каби;

**"у" фонемаси** - юқори тор, орқа қатор, лаблашган унли. Сўзнинг барча бўғинларида қўлланади: *ука* (биринчи бўғинда), *узум* (биринчи, иккинчи бўғинларда), *кузгу* (охирги очик бўғинда) каби. Урғули бўғинда кучли, бир оз чўзиқ; урғусиз бўғинда эса қисқа, кучсиз талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *бутун, учун, тузук* (биринчи бўғинлар - урғусиз, охирги бўғинлар- урғули) каби. Бу унли ҳам қ, ф, х билан ёндош қўлланганда йўғонлашади (орқа қатор оттенкага айланади), қ, г, нг, й, ҳ ундошлари билан ёнма-ён келганда эса олд қатор, ингичка оттенка тарзида айтилади. қиёс қилинг: *кул* ва *қул*, *тугун* ва *турғун*, *кузгу* ва *қайғу*, *буюк* (буюк)ва *уруг*, *ҳукм* ва *хулқ*, *гув* ва *ғув*, *мангу* ва *ургу* каби;

**"ӯ" фонемаси** - ўрта кенг, орқа қатор, лаблашган унли. Содда сўзнинг биринчи бўғинида қўлланади: *ӯн, бўр* (бир бўғинли сўзлар), *ӯтин, тўлқин* (икки бўғинли содда сўзлар) каби. Биринчи бўғиндан кейин қўлланиш ҳолатлари айрим қўшма сўзларда (*гултоҗихўroz, Гўрўёли* каби) ёки тожикча ўзлашмаларда (*обрў сўзида*) учрайди. Бу унли ҳам қ, г, х, й ундошлари ёнида ингичкалашади (олд қатор оттенка билан қўлланади), қ, ф, х ундошлари ёнида

эса йўғон талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *кўл* ва *қўл*, *гўл* ва *гўр*, *ҳўл* ва *ҳўр* ("хўр бўлмок"), *йўл* ва *хўш* каби;

**"о" фонемаси** - қуий кенг, орқа қатор, кучсиз лаблашган унли. Бу фонема ҳам сўзнинг барча бўғинларида учрайди: *ота* (биринчи бўғинда), *баҳодир* (иккинчи бўғинда), *баҳо* (охирги бўғинда), *бобо* (ҳар иккала бўғинда) каби; қ,г,й,ҳ ундошлари ёнида ингичка (олд қатор унли тарзида), қ,ғ,ҳ ундошлари ёнида эса йўғон (орқа қатор унли тарзида) талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *комил* ва *қобил*, *гов* ва *гов*, *ёши* (*ёши*) ва *қоши*, *ҳол* ва *хол* каби.

**ИЗОҲ:** *ер*, *баён*, *таёқ*, *яхши, юрак* каби сўзлар таркибидаги унли фонемаларга тавсиф берилганда е, ё, ю, я графемаларининг иккитадан товушни (й+э, й+о, й+y, й+a фонемаларини) ифодалаётганлиги ҳисобга олинади, шунга кўра "й" ундоши алоҳида, "э", "о", "у", "а" унлилари ҳам алоҳида тавсифланади.

### *Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар*

1. Унли фонемалар ундошлардан қандай фарқланади?
2. Унли фонемалар таснифи нималарга асосланади?
3. Лабларнинг иштирокига кўра унлиларнинг турлари?
4. Тилнинг вертикал (тиқ) ҳаракатига кўра унлиларнинг турлари?
5. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра унлиларнинг турлари?
6. Таснифга асос бўлган қайси белгилар фонологик характерда?
7. Қайси белги ўз ҳолиша фонологик хусусиятга эга эмас?
8. Ўзбек тилшунослигида ҳозирги ўзбек адабий тили вокализмига оид қандай масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда?
9. Унли фонемаларнинг комбинатор ва позицион оттенкалари қандай фарқланади? Уларнинг ҳар бири алоҳида фонема деб қараладими?

## **5- АМАЛИЙ МАШФУЛОТ: Орфоэпия қоидалари**

1. Орфоэпия ҳақида тушунча..
2. Оғзаки ва ёзма нутқ шакиллари.
3. Сўз санъатида орфоэпия қоидалари.
4. Нутқ санъатида ўзбек орфоэпияси асосий қоидаларининг ўрни ва вазифалари.

**Орфоэпия** сўзи юононча (ортпхос – тўғри, эпос - нутқ) тўғри гапириш тўғри талаффуз демакдир.

Адабий талаффуз нормаларини белгилаб берувчи қоидалар мажмуасига орфоэпия дейилади.

Орфоэпия адабий тилнинг талаффузини ўрганиш ёки адабий тил қоидаларига мувофиқ талаффуз қилиш фанидир. Бу унинг нутқ маданияти билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Маълумки нутқнинг икки, ёзма ва оғзаки формалари мавжудир. Ёзма нутқ формасини орфография фани ўрганади. Оғзаки нутқ шаклини эса орфоэпия ўрганади. Демак орфоэпия талаффуз ва тўғри гапириш қоидаларини белгилайди. Орфоэпиянинг юзга келишида иккита фактор муҳим рол ўнайди. Булардан бири орфография, иккинчиси халқ оғзаки нутқининг турли кўринишлари ва турли ҳил шева талаффузларидир. Тарақиётининг таъсирида орфоэпиянинг янгича нормалари пайдо бўлади. Республикаизда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларининг тил таъсирида ҳам ўзбек тили орфоэпияси ўзига хос ўзгаришлар ясади. Шу боис тилшунослаrimизнинг ўзбек адабий тилини шакилланишида катта хизматлари мавжуд. Бундан ташқари республикамизнинг барча худудларда яшаётганларнинг ўзларига хос сўзлашув кўринишлари мавжуддир. Ана шу тилимизнинг шевалари адабий тилимиз нормаларидан фарқ қиласди. Уларнинг талаффузлари ҳам адабий талаффуз нормаларига мос келмайди. Лекин бу шевалар ягона умум халқ тилининг қўйи формалари сифатида жуда кўп умумийликка эга бўлганидек, ўзбек тилининг орфоэпик нормаларини қоидалари яратилади.

Мустақилликка эришилди. Барча жабхаларда хусусан театр санъатида, ТВда, радиода, матбуотда эркин демократик катта қуриш бошланди. Техник тарқиёт бу соҳаларда ҳам ўзининг шаҳдам қадамларини одимляяпти. Аммо адабий тилдаги эркинлик, бироз бўлсада ғализликка олиб келади. Республикаиздаги мавжуд шевалар, театр, ТВ, радио ва хаттоқи матбуотга ҳам кириб келди. Бу оғзаки нутқ ва ёзма нутқ нормаларига эътиборликсиз билан қараш оқибатида нутқда ғализлик вужудга келди. Аммо хақиқий театр

санъати, ТВ, радио ва матбуотда жонли, ҳаммабоп ва таъсирчан нутққа эътиборни қаратиш жоиз. Нутқ санъати фанининг асосий вазифаларидан бири, ҳар бир товуш, сўз ва жумлаларни талаффузини аниқ, равон, таъсирли, орфоэпик қоидаларига жавоб берадиган бўлишини таъминлашдир.

Баъзида сўз ижрочилари, адабий талаффуз деганда нутқдаги оғографик қоидаларга тўла риоя қилишни, яъни китобда қандай ёзилган бўлса, шундайлигича талаффуз этишни тушунадилар. Бу мулоқот хатодир, чунки ёзма нутқни жонли нутқ заминига кўчириш жараёнида барча нутқ товушларни тўлиқ шакиллантириш эмас, балки айримларини заифлаштириш, асимилляция, десимилляция, метотеза, протеза каби бир қатор фонетик ходисаларни амалда ижодий қўллашга ҳам қобил бўлиши керак. Аммо бу дегани сўз талаффузида лаҳжа ишлатиш эмас. Лаҳжавий нутқ бу орфоэпик қоида нормаларини бузибина қолмай, нутқ интонатсијасига, унинг саҳнавий хатти харакатига футур етказади. Шу боис сўз санъати, нутқ маданияти билан шуғулланган ижодкор орфоэпия қоидаларини мукаммал билиши керак. Саҳнавий нутқнинг энг қимматбахо хислатларидан бири унинг объектив воқеликнинг образли кўринишларида, эстетик баркамол акс этиришдир. Саҳна хаётйлиги ва саҳна хақиқати объектив хақиқатининг иникосидир. Шунинг учун Нутқ санъати нутқдаги ҳаётйлик асосларини чуқур ўрганиши, амалда уларга қатъий риоя қилиши шарт. Бу орфоэпия ўз ичига оловчи адабий талаффуз нормаларини белгиловчи қоидалардир. Бироқ бу нутқ билан шуғилланувчиларнинг адабий талаффуз нормаларини эгаллашни ўзи кифоя деган гап эмас. Чунки саҳнавий ижодкорликда, персонаж тили, бор. Бу масала ечимини ижодкор ўз касбини билмدونи бўлиш билан ечаолади. Ана шундай билмдонлик диалекталогияси асосларини билишдир.

Ўзбек орфоэпиясининг асосий қоидаларига ўтишдан олдин баъзи бир фонетик қоидаларга изоҳ бериб ўтишга тўғри келади. Чунки бу фонетик ходисалар, орфоэпия қоидаларини асосини ташкил этади. Ана шундай фонетик қоидалар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

**Ассимилятсий.** Бир товуш ёндош товушга таъсир ўтказиши натижасида юзага келадиган фонетик ҳодиса ассимиляция дейилади. Ассимиляция қуйидагича кўринишида бўлади;

а) Бир ундош товуш бир ундошга таъсир кўрсатиб уни тугал ўзига ўхшатиб олади;

сунбул –	сумбул	н – м
етди –	етти	д – т
тўнка –	тўнгка	н – нг
кетди –	кетти	д – т

отдан – оттан	д – т
тузсиз – туссиз	з – с
ўтда – ўтта	д – т
Нонвой – новвой	н – в

Сунбул – (сумбул) сочиннга гульми, гуллолами тақибсан.

### **А.Пўлат.**

Сунбуланинг (сумбуланинг) суви тиник, ўзи совиқ.

### **Мақол**

Отдан - (оттан) айрилсанг ҳам, эгар тўқимидан айрилма.

Бундай фонетик ходисадаги турини тўлиқ ассимиляция дейилади.

б) бир товуш ёndoш товушга таъсир ўтказиб, уни тугал ўзига ўхшатиб олмайди. Уни бир томонигина ўзгартиради. Жарангизлантиради ёки жарангли ундошга айлантиради. Ассимиляциянинг бундай тури тўлиқсиз ассимиляция деб аталади.

кетган – кеткан	г – к
ошдан – оштан	д – т
танбур – тамбур	нб – Мб
китобга – китопка	бг – пк
қизча – қисча	з – с        ва хаказо.

Танбур – (тамбур) чалиб ўлтирсам, дўстим келди ёнимга.

Қизча – (Қисча) китоб ўқир экан, кўзида ёш эди.

Кетган – (кеткан) кетган – (кеткан) бўлди, кетгани недан бўлди.

Кетганинг - (кеткан) устига – кетган (кеткан).

### **Мақол.**

и) Сўзларда олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаштиради: Бу ассимиляциянинг прогрессив туридир:

ўсли – ўсти	сд – ст
тошдан – тоштан	шд – шт
экган – эккан	кг – кк
қишлоқга – қишлоқقا	қғ – ққ

Али тошдан - (тоштан) тошга сакради. Қишлоқга (қишлоқقا) етиб бордим. ва хаказо.

г) сўзлардаги кейинги товуш олдинги товуш ўзига мослаштириш ҳолати регрессив ассимиляция дейилади.

макур – маскур	зк – ск
бирта – битта	рт – тт
шанба – шамба	нб – мб
тузсиз – туссиз	зс – сс

Бирта ҳам (битта) ҳам эши туувчи қолмади.

Шанба (шамба) куни тузсиз шўрва ичдим.

Тузсиз (туссиз) хамир тандирда турмас. Мақол.

Машғулотларда ана шундай кўринишларга эътибор билан қарашиб керак.

### **Диссемиляция**

Сўз таркибидаги бирор товушнинг ўз ҳолатидан қўчишига диссемиляция дейилади. Бу ҳолдаги фонетик ўзгариш айниқса, болалар тилида, нутқий нуқсонга эга бўлган шаҳслар тилида қўпроқ учрайди.

зарар – залал	р – л
каридор – калидор	р – л
зарур – зарул	р – л
бирорта – биронта	р – н

### **СпирантазатсиЙ.**

Сўз составидаги асли портловчи товуш, сирғалувчи ундошга айланади.

тўқсон – тўҳсон

мактаб – маҳтаб

чиқди – чихди

саксон – сахсон

тўқтамоқ – тўҳтамоқ.

### **Метатеза.**

Сўз ичидаги айрим товушларининг ўрин алмашиб ҳолатидир.

Супра – сурпа, тупроқ – турпоқ, Назрулла – Нарзулла, лаънат – наълат, дарё – дайро.

### **Протеза.**

Сўзниң олдига бирон унлини қўшиб айтиш ҳолати.

Стол –устол, штраф – иштраф, стакан – устакан.

### **Эпентеза.**

Сўзда икки ундошнинг ўртасида қўшилиб келиш ҳолати.

Ақл – ақил, трактор – тирактор, арслон – арислон, меҳр – меҳир, қабр – қабир, сабр – сабир, ва ҳаказо.

### Дизрез.

Сўздаги айрим товушларни талаффуз вақтида тушиб қолиш ҳолати. Паст – пас, рост – рос, Тошкент – Тошкен, артист – артис, келсангиз – кесангиз, ва ҳаказо.

Нутқ санъати, нутқ маданияти билан шуғилланувчи ижодкорлар ўзбек тилининг фонетик ўзгаришларини чуқур билимдони бўлишлари шарт. Акс ҳолда адабий тилда сўзлашаман деб ўзбек тилшунослигида яратилган орфоэпик нормаларга футур етказиб қўядилар.

Республикамизнинг маълум териториясида яшовчи кишилар нутқига ҳос бўлган аммо адабий тил нормаларига кирмайдиган сўзлар деалектал лексикани ташкил қиласиди. Маълум деалект ва шева вакилларигина қўллайдиган бундай сўзлар диалектзмлар деб юритилади.

### Масалан:

карвич (хоразм) – ғишт.

шоти (фарғона) – нарвон.

ғўз (хоразм) – ёнгоқ ва ҳаказо.

Қуйидаги таблицада келтирилган адабий тил ва айрим деалектларга ҳос сўзларга эътибор беринг.

### Жадвал.\*

№	Тошкент диолекти	Фарғона диолекти	Бухоро диолекти	Самарқанд диолекти	Хоразм диолекти	Адабий тилда
1	Нарвон	Шоти	Нарбон	нарвон	занги	нарвон
2	Дўппи	дўппи	Калпўш	қалпоқ	таҳя	дўппи
3	Жила	Ҳеч	Ҳеч	ҳеч	-	ҳеч
4	Устара	устара	Поку	поку	поки	устара
5	Варрак	варрак	Бодпрак	шахии	бодрак	варрак
6	Гаримдори	қалампир	Қалампир	қалампир	муруч	қалампир
7	Ҳовли	Эшик	Ҳовли	ҳовли	уй	Ҳовли
8	Сигир	Сигир	Инак	инак	сигир	сигир
9	Мушук	мишиқ	Пишак	пишак	пишиқ	мушук
10	Чумоли	чумолик	Мўрча	мўрча	қоринжа	чумоли

\* Жадвал. Ш. Шоабдураҳмонов, М. Аскарова, А. Хожиев, И. Расулов, Х. Дониёров. «Хозирча ўзбек адабий тили» Тошкент «Ўқитувчи» 1980 йилдан олинди.

Бадиий адабиётда, саҳна асарларида персонаж нутқларида индивидуаллаштириш учун диалектизмлардан фойдаланилади. Лекин бу қўллаш билан диалектал сўз адабий тилга оид бўлиб қолмайди.

Баъзи сўзлар адабий тил ва диалектда қўлланилгани ҳолда адабий тилда бошқа, шевада бошқа маънони бериши мумкин.

**Масалан:** иркит сўзи адабий тилда кир, ифлос маъносини берса, шевада «айрон халта» маъносини беради. Ана шундай ҳолларда диалектал сўзларни ишлатишда эҳтиёт бўлиш керак.

### Ўзбек орфоэпияси асосий қоидалари

Ўзбек товуш тизмида унлилар ўзига хос талаффуз этиш билан фарқланади. Уларда айримлари талаффузда узунроқ, айримлари қисқароқdir. Бу ҳолатда урғу билан боғлиқ бўлиб, редукциялашади ва улар қисқа талаффуз этилади. Бу ҳолат сон жихатдан редукциялашади. Сифат жихатдан ҳам бу кўриниш мавжуд бўлиб, товуш талаффузида харакатга асосланади ва унинг талаффузи аниқ ва равондир. Ургусиз ҳолларда унлилар редукциялашади ва уларнинг талаффузида ҳам сифат ўзгариш бўлади,

Ўзбек тили сўз составида бирор бўғин ёки гап составидаги бирор сўз талаффузида ажратиб, урғу бериб, зарб билан айтилади. Бу ҳол одатда овознинг кўтарилиши чўзиқлигининг ортиши ёки интонатсіон тактнинг кучайиши каби фонетик воситалар билан ифодаланади. Бўғин ёки сўзниң бирон восита орқали ажратилиб зарб билан айтилиши урғу деб аталади. Урғу иккига бўлинади; гапда бирон бир сўзни такидлаш интонатсіон урғу бирон бир бўғинни такидлаш эса сўз ургуси назарда тутилади. Одатда урғу ҳақида гапиргандга асосан сўз ургуси назарда тутилади. Нутқда гап ургуси ёки интонатсіон (мантиқий) урғу гапдаги сўзни мазмун жихатдан ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади.

Биз саҳнавий нутқнинг хатти харакатига эришиш учун шаклан урғуга ёндошсакда мазмунан сўзловчининг мақсад, хоҳиши, истагини сўз орқали ифодалаймиз. Мақсад аниқ қўйилсагина сўз ижрочилик моҳияти очилади. Шу боис орфоэпия қоидаларини мукаммаллигига эришибгина қолмай сўзниң туб моҳияти, маъно ва мазмунига мантиқан ёндошишимиз назарда тутилади.

#### Масалан:

Қодир Лолага сўзсиз тикилди.

У айтар сўзини ифодалай олмади. Шу боис “Сўзсиз тикилди” Анашу ҳолатда ҳам у ўз хатти-харакати орқали (лол бўлди, сўз топилди, қилган ишидан афсусланди ва хоказо) унга тикилди. Саҳнавий нутқни

мукаммаллигига эришиш учун ҳар бир товуш, бўғин, сўз бирикмалари талаффузини аниқ, равон жозибали бўлишини таъминлаш учун ўзбек тили орфоэпиясининг асосий қоидаларини муфассал эгаллашни тақазо этади.

Шу боис биз товушларни айрим хусусиятларини қуидагича ўрганамиз.

### **А – унлиси.**

**а)** А. – унлиси айрим сўзларда Э товушга мойилроқ талаффуз этилади. Бу ҳолатда а унлиси ўз асли талаффузига кўра олдинги қаторда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам уни тил олди ёки олдинги қатор унлиси деб аталади.

**Масалан:** ака, таъна, дафтар, ука, гал, билган.

Ака укага таъна қилмайди.

Мен билган ука бу гал индамади.

**б)** Чуқур тил орқа ундошлари қ, ғ, х лар билан бирга келганда «а» товуши орқароқда «қаттиқ» айтилади.

**в)** **Масалан:** қалам, қарчиғай, қанақа, хабар, хат, хафа, ғалаба, ғалва, ғариб, ғалтак, ғазаб ва хоказо. Қалам олиб ўзим хатимда ҳабар бера бошладим. Хафа кўринган қалам қошлигим бирдан кулиб юборди.

**г)** В ундоши билан ёнма- ён келганда а товуши о га мойилроқ талаффуз этилади, авж, авлиё, авом, аввал, авзо, авлод.

Кавак, кавуш, савия, савоб, савот, хавф, ва хаказо.

Аввалло авж пардасидан бошланган қўшиқ секин аста тинди.

Авлиё отага кавушда борган мақул.

### **О товуши.**

**а)** О товуш аксарият сўзларда аслича талаффуз этилади.

Масалан: От, доно, баҳор, омон, қор ва хаказо.

Қор ёғаяпти, омон бўлсак баҳорга чиқиб оламиз.

Доно инсон мақбул сўзлайди.

**б)** Ўзлаштирилган сўзларда у га мойил талаффуз этилади. Нота, вогон, орган, тонна, орден, норма, футбол ва хоказо.

Бирнеча тонна сабзавот етказган дехқонларни хушнуд қилдик. Футбол мусобақаси бошланди.

### **И товуши.**

**а)** Айрим сўзларда И товуши қисқа талаффуз этилади. Масалан: тилак, сира, бироқ, сигир, йигит, тиш, тил ва ҳакозо.

Йигит сира йифламайди.

Тиш оғриғи азобдир.

б) қ, х, ғ товушлари билан ёндош келганда улар таъсиридан қисқа ва қаттиқрөк талаффуз этилади.

Қир, қирғоқ, қиз, ғишт, ғилай, ғирром, хина, хира, мих, қилиқ ва ҳаказо.

Қирғоқ бүйлаб кетаётган қиз ўксиб, ўксиб йиғлар эди.

Мих болға зарбидан тақага санчилар эди.

в) Биринчи бўғинда ў товуш бўлган сўзлардаги И товуши у га мойилроқ талаффуз этилади.

Ўйин, қўмир, тўққиз, ўттиз, бўғин, ўйил, ўксиш, чўмич, қўриқ, ўрим, ўғил, тўлиқ, тўлқин ва ҳаказо.

Ўғил ўттизга кирса ҳам бола.

Тўлқин мавжланади. Уксик кўнгил безовта.

г) Айрим сўзларда икки ундош оралиғига қисқа И қўшилиб айтилади.

Ақл, мақр, сеҳр, қабр, сабр. насл, фасл, қадр, илм, жабр, нашл, ақл ва ҳаказо.

«Макр ва муҳаббат» саҳна асарини кўриб, катта таъсуротга эга бўлдим.

Илм сеҳрлаб қўйдики, ақл бовар қилмайдиган ўзгардим.

д) Айрим сўзларда йи тарзида талаффуз этилади: Ноила, доим, доира шароит, оид, оила, шоир, Наима, Саида, мушоира ва ҳаказо.

Ноила, Наима ва Саидалар мушоира қурдилар.

Шоир мушоирага оид аҳборот берди.

### **Э товуши**

а) Айрим сўзларда (й+е) тарзида талаффуз этилади.

Поэзия, дуэт, дуэль, ва хоказо.

Дуэт айтаётганлар негадир жимиб қолишиди.

Поэзия бу цехрлаб оловчи зийнатли сўздир.

б) Ўзлаштирилган сўзларда й тарзида айтилади.

Аэропорт, аэродинамика, аэрадром, аэростат ва хоказо.

Аэропортда учрашамиз акаси – деди Қодир.

Аэродромдан ўтилса бизнинг қишлоқ кўринади.

### **Ў товуши.**

а) г, к, й товушлари билан ёнма-ён келганда ў унлиси олдинги қаторда талаффуз этилади.

**Масалан:** гўдак, гўжа, гўлох, гўр, гўзал, гўшт, гўё, кўл, кўмак, кўприк, кўнгил, кўриқ, кўч, кўшн, кўхлик, кўхна, йўл, йўриқ, йўлбарс, йўқ, йўғон, ва хоказо. Кўприкдан ўтиб, гўзал йўл ёқалаб кўлга дуч келасиз.

Йўлбарс кўприк устида йўғон панжаларини кўтарди.

б) қ, ғ, х ундошлари билан келганда ў товуши чукур ва қаттиқ талаффуз этилади. Масалан: ўқ, ўқиш, қўбиз, қўй, қўпол, қўрқоқ, қўш, қўшин, қўшиқ,

ғұла, ғұза, ғұра, ғүр, ғұраша, хұрда, хұжа, хұп, хұра, хұroz, хұш, хұрсик ва хаказо.

Күшикчи ғұла устида ўтириб құбиз чалиб куйлади.

Хұroz Хұжанинг ғұзапояси устида қичкирди.

### **Б товуши.**

а) Б товуши билан бошланган сўзларда ва бирор сўзга қўшилиб келганда в товушига мойил талаффуз этилади:

белбоғ – белвоғ, кабоб - кавоб, соябон – соявон, қўйчибон – қўйчивон, дарбоз – дарвоз, ишқибоз – ишқивоз, тарозбон – тарозвон ва хаказо.

Кабобчи белбоғига пичоқ осиб олган эди.

Тарозбон соясиз офтобда ўтиради.

б) Айрим сўзларда жарангсиз П ундоши тарзида талаффуз этилади.

**Масалан:** китоб – китоп, тартиб – тартип, ҳисоб – ҳисоп, ҳасиб – ҳасип, бичдим – пичдим, жавоб – жавоп, олиб – олип ва хаказо.

Китоб билим манбаи.

Жавоб олиб уйга жўнадим.

в) айрим сўзларда М тарзида талаффуз этилади. Масалан: бунча – мунча, бундай – мундай, бунчаликка – мунчаликка.

Сиз бунчаликка борманг.

Бундай бўлиш сизга ярашмайди.

### **Т товуши.**

а) Т жарангсиз ундоши ўз холига талаффуз этилиши билан бир қаторда айрим қўшимчалар қўшилганда ч га айланиш ходисаси (ассимиляция) учрайди.

Тиш – чиш. тушундик – чушундик, тишлаб – чишлаб, йигит – йигичча, харакат – харакаччан, уят – уяччан, орият – орияччан ва хаказо.

б) Айрим ҳолларда т товуши эшитилар эшитилмас талаффуз этилади ва баъзида тушиб қолади.

Гўшт – гўш, рост – рос, дўст – дўс, ғишт – ғиш, мушт – муш, тўрт – тўр ва хаказо.

в) айрим ҳолларда яъни аффикслар қўшилганда т товуши тушиб қолиш ходисаси юз беради:

дастрўмол – дасрўмол, амалпараст – амалпарас, дарахтзор – дарахзор, пастлик – паслик.

Уятчанг куёв гўшт емас экан.

Дастрўмолини олиб пастлик сари одимлади.

Дўст ачитиб айтар, душман қулдириб.

Дарахтзорда ҳеч ким йўқ эди.

### **Д товуши.**

а) Д товуши айрим ҳолларда жарангсиз т ундош шаклида ёки умуман тушиб қолиш кўринишида талаффуз этилади.

Бахраманд –баҳрамант, баланд – балан, хурсанд – хурсант, баҳраманд – баҳрамант, баланд – балан.

б) Баъзи бир сўзларга аффикслар қўшилганда ҳам д талаффуз этилмайди.

Баландлик – баланлик, хурсандлик–хурсанлик, баҳрамандлик – баҳраманлик.

в) Айрим ҳоларда ассимиляция натижасида д товуши ёндош товушга айланади.

Подшо - пошшо, маслахатдош – маслахаттош, ва хоказо.

г) Кўп ҳолларда сўз охирида жарангсиз жуфти т тарзида талаффуз этилади. Обод- обот, озод-озот, мақсад-мақсат, шогирд-шогирт, даромад-даромат, савод-савот ва хоказо.

Хурсандчиликдан баҳраманд бўлиш подшо.

Мақсадли даромад бойликдан баҳрамандлик.

Подшо маслахатдошига мамнун қараб қўйди.

### **X – товуши.**

Бу товушни айрим шева вакиллари ҳ товуши билан (Тошкент шеваси, Андижонда) алмаштирадилар. Аммо бу ҳолат адабий талаффуз нормалариға тўғри келмайди.

а) X – бўғиз товуши ўзининг юмшоқлиги нағислиги билан ажралиб туради:

муҳаббат, ҳандалак, сухбат, хаяжон, меҳрибон, маҳкам, сахро, сахна, фаҳм, таҳсил ва хоказо.

б) X-Ҳни бир хилда талаффуз этилиши сўз маъносини ўзгартириб юборади.

Шоҳ – шоҳ, ҳил-ҳил – хил-хил, ҳол-хол, шоҳи-шоҳи ва хоказо.

в) Айрим ҳолларда ҳ товуши ассимиляция натижасида ўзидан кейинги товуш каби айтилади ёки бутунлай тушиб қолади.

Деҳқон – деқон, маҳси-масси, маҳкам- макам, даҳлиз-дализ ва хоказо.

### **Қ-товуши.**

а) Қ товуши билан тугаган сўзлар эгалик қўшимча қўшилганда, ғ товуши тарзида айтилади. Таёқ – таёғим, бошоқ- бошоғим, ўртоқ- ўртоғим, ботиқ- ботиғли.

б) Айрим сўзларнинг ўртаси ва охирида келган қ товуши ғ тарзида талаффуз этилади. Балиқ-балиғ, совуқ-совуғ, иссиқ-иссиғ, чумчук-чумчиғ, ёқдан- ёғдан, тариқ-тариф, буёқда – буёғда ва хоказо.

в) Айрим ҳолларда қ товуши х тарзида талаффуз этилади.

Мақсад-махсат, тўқсон-тўхсон, вақт-вахт, мақтов-махтов, мақсуд-махсут ва хоказо.

Мақсудов ўртоғини мақсад сари маҳкам одимлаётганини кўтариб қувонади. Тўқсон кирди демак чилла чиқди. Балиқ фақат сувда яшайди.

Ўзбек орфоэпиянинг бир бутун қоидаларига дахлдор фан бу филологиянинг тилшунослик жабхасидир. Биз саҳнавий нутқда эътиборга мўлиқ талуқли компонентларининг айримларига қисман тўхталдик.

Чунки саҳнавий нутқ бу жонли нутқ унинг яъни оғзаки ва ёзма нутқнинг орфоэпиясини мустақил ўзи ўрганадиган соҳадир. Бу, фақат уни ўрганишга кичкина йўлчадир. Ижодкор мукаммалликка эришиши учун машақатни ўз зиммасига олгани маъқул. Шу боис мураббийнинг назоратида «Ўзбек тили орфоэпияси» қонун қоидаларини саҳнавий нутқдаги ўрнини талаба тамонидан мустақил ўзлаштирилиши керак. Бу жонли сўз билан ишлаш жараёнида ва техник машқларни қайтариш амалиётида ва техник машқларни қайтариш амалиётида олиб бериш эътиборга мўлек.

Орфоэпия сўзларни, уларнинг таркибидағи товушларни, шунингдек, ўзак ва қўшимчалардан иборат сўз формаларини тўғри талаффуз қилиш меёrlари тизимиdir. Тилшуносликнинг бу тизим ҳақидаги бўлими ҳам орфоэпия дейилади.

Орфоэпик меёrlар аслида ҳалқ жонли тили фактлари асосида яратилади – жонли тилдаги турлича талаффуз кўринишларидан адабий тил анъаналарига, тараққиёт тради-сияларига мос келадиганлари танланади. Масалан, ўзбек шеваларида бир сўз турлича талаффуз қилинади: *йўқ-жўқ, кўз-гўз, ота-ата, ака-ока, анор-онар* каби. ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси шеваларда – яп(ти), -оп(ти), -утти, -вот(ти) шаклларида қўлланади: *боряпти, боропти, борутти, борвотти* каби. Адабий тилда шулардан *йўқ, кўз, ота, ака, анор боряпти* вариантлари адабий талаффуз меёри (орфоэпик норма) сифатида сараланган.

Тўғри талаффуз нутқ маданиятининг муҳим белгиларидан бири саналади. Адабий тилда тўғри ёзиш қанчалик муҳим бўлса, тўғри талаффуз ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам ўқувчи ва талабаларда тўғри талаффуз кўнималарининг шакллантирилишига таълимнинг барча босқичларида жиддий эътибор берилади.

Унли товушлар орфоэпиясини адабиётшунослик назарияси билан янада чуқурроқ ўрганилганда:

**И унлиси:** 1) бир бўғинли сўзларда қисқа ва ингичка талаффуз қилинади: *тил, тиши, бил, сир* каби; 2) қ,ғ,ҳ ундошлари билан ёндош қўлланганда йўғон (орқа қатор унли тарзида) талаффуз этилади: *қииш, гишиш, хил* каби; 3) й, нг

ундошларидан олдин ингичка ва бир оз чўзиқ талаффуз этилади: *чий, кий, минг* каби; 4) ҳ билан ёндош бўлганда ҳам бир оз чўзиқ ва ингичка талаффуз қилинади: *ҳид, ҳинд, ҳис* каби; 5) кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз бўғинида кучсиз ва қисқа (*билан, бироқ, сира, тилак, гилам, голос, виқор* каби), урғули бўғинда эса кучлироқ ва чўзиқроқ (*нозик, алик, ростлик* каби) талаффуз этилади; б) сўз охиридаги очик бўғинда бир оз кенгаяди ("и"дан кенгрок, "э"дан торроқ унли тарзда талаффуз қилинади): *тепки, борди, офтоби, худди, рози* каби.

**У унлиси:** 1) бир бўғинли сўзларда ва кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз бўғинида қисқа (*туш, тус, пул, булоқ, бүгдой* каби), урғули бўғинида эса кучлироқ ва чўзиқроқ (*булут, етук, попук* каби) талаффуз этилади; 2) қ,г,й ундошларидан кейин ингичка (олд қатор унли тарзида), қ,ғ,ҳ ундошларидан сўнг эса йўғон (орқа қатор унли тарзида) талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *кул ва қул, атиргул ва норгул, юк(юк)* ва *хулқ* каби; 3) -увчи, -ув аффикслари таркибида чўзиқроқ айтилади: *ёзувчи, ўқувчи, тўқувчи, олув, қўшув* каби.

**Ў унлиси:** 1) бир бўғинли сўзларда, шунингдек кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз бўғинида қисқа талаффуз этилади: *бўр, тўр, рўмол, сўроқ* каби; 2) такрорий формаларнинг биринчи компонентида (урғули бўғинда) чўзиқ талаффуз қилинади: *кўп-кўп, зўр-зўр, мўл-мўл* каби; 3) саёз тил орқа қ,г, тил ўрта й ва бўғиз ундоши (ҳ) дан сўнг юмшоқ (олд қатор) унли тарзида, чукур тил орқа қ,ғ,ҳ ундошларидан сўнг қаттиқ ва йўғон (орқа қатор) унли тарзда талаффуз этилади. қиёс қилинг: *кўл ва қўл, гўр ва гўр, ҳўл ва хўр, йўл ва қўр* каби.

**Э унлиси:** 1) сўз ва бўғин бошида кенгрок (эркин, экин, эсламоқ каби), бўғин ичида бир оз торроқ (кеча, беда, текин, секин каби) талаффуз қилинади.

**А унлиси:** 1) саёз тил орқа қ,г ундошлари билан ёнма-ён келганда юмшоқ ва ингичка унли тарзида (*кам, катта, гап, гал, газлама, кайфият* каби), чукур тил орқа қ,ғ,ҳ ундошлари билан ёндош қўлланганда эса йўғон унли тарзида (*қалам, қарға, қасида, ғам, ғалвир, халқ, хабар, хат* каби) талаффуз этилади.

**О унлиси:** 1) қуи кенг, кучсиз лабланган унли тарзида талаффуз қилинади: *тош, баҳор, сомон, шамол* каби. Шеваларда ва жонли тилда бу унлининг урғусиз бўғинда "а"га яқин талаффуз қилиниш ҳоллари ҳам учрайди: *самон, давон* каби, аммо бу ҳол адабий талаффуз (орфоэпик меёр) ҳисобланмайди; 2) саёз тил орқа қ,г ундошларидан сўнг эса йўғон унли тарзида талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *косиб ва қошиқ, котиб ва қолип, комил ва қобил, гов ва ғов, говмиш ва ғовламоқ* каби; 3) урғули бўғинда кучлироқ ва бир оз чўзиқ

талаффуз этилади: *бөгбон*, *обод* сўзларининг биринчи ва охирги бўғинларидағи о унлиси талаффузини қиёсланг; 4) й ва ҳ ундошлари билан ёндош қўлланганда ҳам о унлиси бир оз юмшоқ, ингичка унли ҳолида талаффуз этилади. қиёс қилинг: *ёр* (*ёр*) *ва қор*, *ҳоким* *ва холис* каби.

Ундош товушлар орфоэпиясини адабиётшунослик назарияси билан янада чукурроқ ўрганилганда:

Ундош товушлар орфоэпияси қўпроқ комбинатор ва позицион омиллар таъсирида юз берадиган фонетик ҳодисаларга боғлиқ бўлади. Хусусан: 1)б,д жарангли ундошлари сўз охирда жарангсиз п,т тарзида талаффуз этилади, бу ҳол ўзбек адабий талаффузи учун меёр ҳисобланади: *китоб*>*китоп*, *бориб*>*борип*, *ёзиб*>*ёзип*, *савод*>*савот*, *обод*>*обот* каби; 2)б,д ундошлари жарангсиз ундошлар билан ёнма-ён қўлланганда ассимиляцияга учраб, п,т ҳолида талаффуз этилади, бу ҳол ҳам адабий талаффуз меёри ҳисобланади: *ибитидоий*>*иптидоий*, *кетди*>*кетти*; 3)ж,з ундошларининг жарангсиз ундошлар таъсирида ш,с деб талаффуз этилиши ҳам адабий тил учун меёрдир: *ижстимоий*> *иштимоий*, *мазкур*>*маскур* каби; 4)б,қ ундошларининг интервокал ҳолатда (икки унли орасида) сирғалувчи в,ғ ундошларига ўтиши ҳам адабий талаффуз меёрига хилоф эмас: *бора бер*>*боравер*, *кета бер*>*кетавер* каби.

Сўз қисмлари талаффузи.

1.қ,К билан тугаган отларнинг эгалик аффикслари билан турланган шакллари қўйидагича талаффуз этилади: а) қўп бўғинли сўзларда *қишлоқ*>*қишилогимиз*, *қишилогингиз*, *қишилоги*; *телпак*>*телпагим*, *телпагинг*, *телпаги* каби. Бир бўғинли сўзларда бундай ўзгариш бўлмайди: *ўқ*>*ўқи*, *ток*>*токи* каби (*ёқ*, *йўқ* сўзлари бундан мустасно).

2.қ,К,Г,ғ билан тугаган отларнинг жўналиш келишигидаги шакллари қўйидагича талаффуз қилинади: *қишлоқ+га*>*қишилоқча*, *челак+га*>*челакка*, *тоғ+га*>*тоқча*, *педагог+га*>*педагокка* каби. Бошқа барча ҳолатларда: а) жарангсиз ундошлардан сўнг –ка, жарангли ундошдан ва унлидан сўнг –га талаффуз этилади: *отка*, *ошка*, *қонка*, аммо *уйга*, *овга*, *толга*, *томга*, *болага*, *акага* каби.

3.Феълларда: а)онг+ла>*англа*, *сон+a*>*сана*, *ёш+a*>*яша* каби; б)эк+ган > *эккан*, *кет+ган* > *кеткан*, *оқ+ган* > *оқкан*, *туш+ган*>*тушкан* каби.

4. Олмошларда: *у+n+да*>*унда*, *бу+n+да*>*бунда*, *шу+n+да*>*шунда* (бир "н" ортирилади), *мен+нинг*>*менинг*, *сен+нинг*>*сенинг* (бир "н" тушириб қолдирилади).

5.Бир сўзидан дона сон ясалганда, ўзакдаги "р" ундоши "т"га ўтади: *бир+та*>*битта* каби.

Бошқа тиллардан ўзлаштирилган айрим сўзлар орфоэпияси.

1.Туркий тилларда, маълумки, ф ундоши бўлмаган, шунинг учун жонли сўзлашувда араб, форс ва рус тилларидан ўзлашган сўзлардаги "ф"ни "п" деб талаффуз қилиш ҳоллари учрайди: *улфат*>*улпат*, *фанер*>*панер*, *ферма*>*перма* каби. ҳозирги ўзбек адабий тилида уларни "ф" билан талаффуз қилиш меёр ҳолига келган.

2.Сўз ёки бўғин бошида ундош товушларнинг қаторлашиб келиши туркий тилларга хос бўлмаган. Бу ҳодиса кейинчалик бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар талаффузига ҳам таъсир қилган – жонли сўзлашувда сўз ёки бўғин бошида ёхуд бўғиндаги икки ундош орасида бир унлиниг орттирилишига олиб келган: *шкаф*>*ишкоп*, *стакан*>*истакон*, *план*>*пилон*, *трактор*>*тирактир* каби. Бундай ҳолат сўз охирида ҳам учрайди: *ақл*>*ақил*, *фикр*>*фикир*, *ilm*>*илим*, *ҳукм*>*ҳукум* каби. ҳозирги ўзбек адабий тилида бундай сўзларни асл ҳолича (унли орттирмай) талаффуз қилиш орфоэпик меёр саналади. Бундай меёр шу типдаги сўзларнинг ёзувдаги шаклини (имлосини) тўғри белгилашга ҳам ёрдам беради.

3.Умумтуркий сўзларда икки унли ёнма-ён қўлланмайди, бу ҳол араб тилидан ўзлашган *оила*, *доир*, *раис*, *маориф*, *саодат*, мутолаа каби сўзлар талаффузига таъсир қилган: *оила*, *доир*, *раис* сўзларида битта "й" орттирилган (*оила*, *дойир*,*райис* каби), *маориф*, *саодат*, мутолаа сўзлари эса унлиларнинг дифтонглашувига – *мо:рип*, *со:дат*, мутола: каби талаффуз қилинишига олиб келган. Кейинги бир аср ичida рус тилидан сўз ўзлаштиришнинг фаоллашганлиги, русча ўзлашмаларнинг рус тилидаги талаффуз ва имло меёrlарини ўзбек тилига айнан сингдириш тенденциясининг устун бўлганлиги ўзбек тилида икки унлиниг сўз таркибида ёнма-ён келишини орфоэпик ва орфографик меёрга айлантириди: *биология*, *геометрия*, *геология*, *геодезия* ва бошқалар. Бу ҳол арабча ўзлашмаларда (*оила*, *доир*, *раис*, *маориф*, *саодат*, *матбаа*, мутолаа кабиларда) ҳам икки унлиниг ёнма-ён талаффуз қилиниши ва ёзилишини меёр даражасига кўтарди.

4.Араб тилидан ўзлаштирилган *таъна*, *даъво*, *маъно*, *эълон*, *меъмор*, *мўътабар* каби сўзларнинг биринчи бўғинидаги унлилар бўғиз артикуляцияси билан чўзиқроқ талаффуз этилади.

5.Рус тилидан ўзлашган сўзлarda "и" унлиси ўзбек тилиниг "и" унлисидан торроқ ва чўзиқроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *тиши* (ўзб.) – *тин*>*ти:n* (рус.), *тил* (ўзб.) – *тир*>*ти:p* (рус.) каби.

6.Рус тилидан ўзлаштирилган кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз очик бўғиндаги "и" ўзбекча "и"дан торроқ ва чўзиқроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *билан* (ўзб.) – *билет* (рус.), *киноя* (ўзб.) – *кино* (рус.) каби.

7.Рус тили орқали ўзлаштирилган сўзларнинг сўнгги очик, урғули бўғинида "и" унлиси ўзбекча "и"дан тор ва чўзиқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *макси*(ўзб.) – *такси*(рус.), *тепки*(ўзб.)- *конки*(рус.) каби. Урғули бўғиннинг бошқа типларида (ёпиқ, тўла ёпиқ бўғинларда) ҳам русча "и" ўзбекча "и"дан чўзиқроқ ва торроқ талаффуз қилинади. қиёс қилинг: *метин*(ўзб.) -*никотин*>*никоти:н* (рус.), *овсин* (ўзб.) -*апельсин*>*апелси:н* (рус) каби.

8.Рус тилидан ўзлаштирилган бир бўғинли сўзларда "у" унлиси ўзбек тилидаги "у"дан чўзиқроқ ва кучлироқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *дуð*(ўзб.) – *дуþ>ду:б*(рус), *пул*(ўзб.) – *пульс>пу:лс*(рус.), *туши*(ўзб.) – *туш>ту:ш*(рус.) каби.

9.Рус тилидан ўзлаштирилган кўп бўғинли сўзларнинг урғули бўғинида "у" унлиси ўзбек тилидаги "у"дан анча чўзиқ ва бир оз йўғонроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *бу-да*(ўзб.) – *будка* (рус.), *мангу* (ўзб.) - *мангуста* (рус.), *мавзу* (ўзб<араб.)-*медуза* (рус.) каби.

10.Рус тилидан ўзлаштирилган кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз бўғинидаги "у" қисқа талаффуз қилинади, аммо ўзбек тилидаги "у" айни шу фонетик позицияда русча "у"дан ҳам қисқароқ бўлади. қиёс қилинг: *дунман*>*дъшмен*(ўзб.)- *турбина*(рус.), *муздай*>*мъздей*(ўзб.)-*музей*(рус) каби.

11.Сўз бошидаги беркитилмаган, урғусиз бўғинда "у" унлиси русча сўзларда йўғонроқ, ўзбекча сўзларда ингичкароқ (юмшоқроқ) талаффуз этилади. қиёс қилинг: *уклад*(рус.) – *ухламоқ* (ўзб.), *узул* (рус.)-*узум* (ўзб.) каби.

12.Русча лексик ўзлашмаларда "у" унлиси юмшоқ ундошдан сўнг ўта ингичка (олд қатор унли тарзида), қаттиқ ундошдан сўнг эса йўғон (орқа қатор унли тарзида) талаффуз қилинади. Имлода ингичка "у" товуши "ю" ҳарфи билан ифодаланади. қиёс қилинг: *абажур ва маникюр*(*маникъёр*), *ультиматум ва костюм* (*кастъём*), *плуг ва салют*(*салъёт*) каби. Рус тилидан ўзлаштирилган сўзларда юмшоқ ундошдан кейин келган "у" ўзбекча "у"дан ҳам ингичкароқ ва юмшоқроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *гул* (ўзб.)-*тиюл*>*тъёл* (рус.) каби.

13.Русча лексик ўзлашмаларнинг урғусиз бўғинидаги "э" унлиси ўзбекча "э"дан анча тор ("и"га яқин) талаффуз этилади: *телефон*>*тилифон*, *телевизор*>*тиливизър*, *адрес*>*адрис* каби.

14.Рус тили орқали ўзлашган сўзларда "а" унлиси ўзбекча "а"дан йўғонроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *кан*(ўзб.)-*канал* (рус.) каби.

15.Рус тилидан ўзлаштирилган сўзлардаги ўрта кенг, лабланган "о" унлиси урғули бўғинда ўзбек тилидаги ўрта кенг, лабланган "ў"дан кенгроқ талаффуз этилади. қиёс қилинг: *тон* (рус.) -*тўн* (ўзб.), *ток* (рус.) -*тўқ* (ўзб.), *торт* (рус.)-*тўрт* (ўзб.) каби. Урғусиз бўғинда эса русча "о" редукцияга

учраб, ўта кучсизланади ва "қисқа "и" ёки "а" тарзида талаффуз қилинади:  
*трактор*>*търактър*, самолёт>самалъёт каби.

***Таянч иборалар:***

Орфоэпия, фонетика, ассимляция, диссимляция, спирантлизация, метатеза, протеза, эпентеза, диэрез, диалект.

***Мавзуни мустаҳкамлаши учун саволлар:***

1. Орфоэпия тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. Фонетика ўзгаришларини қандай тушунасиз?
3. Ассимиляция нима? Мисол келтириңг!
4. Диссимляция нима? Мисол келтириңг!
5. Спирантлизация, метатеза, протеза, эпентеза, диэрез – нима уларга мисол келтириңг!
6. Диалект ҳақида тушунчангиз?
7. Ўзингиз яшаётган вилоят, худуд шеваси ва адабий тилда мисоллар келтириңг?
8. Саҳна асарларида нима учун диалектал сўзлардан фойдаланилади?

## **6- АМАЛИЙ МАШФУЛОТ: Нутқ техникасини мустаҳкамлашга доир текширув матнлари РЕЖА:**

1. Товушли бирикмалар ва нутқ азолари фаоллиги
2. Жағ, тил, лаблар фаоллиги ва эркинлиги.
3. Тез айтишларда нутқ равонлиги ва таъсирчанлик
4. Товуш ва сўз танлаш, жумлаларнинг қурилиши
5. Матнларда тасаввур ҳамда ички ҳаракат.

Матнларда мураккаблаштирилган товушли бирикмалар, воқеага мойил тез айтишлар тузилмалари тузилиши ва жамланиши товушлар талаффузининг аниқлиги, бурролиги жарангдорлигини мустаҳкамлашга қаратилади; Товушли бирикмалар талаффузида бурролик, мулоқот, аниқ мақсад, фикр, ички ҳоҳиши, ҳатти-ҳаракат тушунтириш, жалб қилиш, ҳақиқий мунозара, баҳсга айланиши эътиборга олиниши лозим. Ўз нутқида таъсирчанликка таг маъно ва мақсадларини аниқ ва таъсирчан даражада ифодалашга интилган ҳар бир талабабу кўникмаларни товушлар талаффузидан бошлагани мақсадга мувофиқ. Товуш бирикмалари талаффузи бурролик билан уйғунлашиши учун қатор талаффуз машқлари тавсия қилинади ва такрорланади. Товуш бирикмалари талаффузининг вазифаси ва шарт-шароити, талабанинг ички тасаввурига монанд ҳаракат ва муносабатини белгилаши назарда тутилади. Тавсия этилган товушлар бирикмалари билан ифодалашга уриниши, талаффуз мукаммаллигига кўникма ҳосил қилиш, аниқ фикр мантиқи асосида талабани фаол сўз ҳаракатини мустаҳкамлашга шароит яратади.

*Ипи-типи-тип-ипррқ-чптрр- Ики-чики-рики-чпrrмптрм.*

*- Иви-жисви-видувв-жисви-ду-вудами-ишли-жисвир-вижсира бидиррр.*

*-Ифиси-фитуввжисикири-тимири-мижурр-мифиси-пичуи пичурақачи.*

*Ибидири-бидрум, видиру-видирими-игдгжи-жгдгжи-жскркчи жнгрнгжисро-*

*Ибилибидумм-будилибидум-бишибидубумм рриба-рубаромм-руби-рибаромм.-*

*Ингфчхирр-ҳидира-ҳижирр-ғирижуромо-биҳҳ-биҳирр-миҳҳ-мили миҳҳирр.*

Сўз санъатида сўз сехри, унинг таъсирчанлик қудрати жумлалар қурилиши ва жозибадор, бетакрор бўлиши учун ҳам мураббий, ҳам талаба изчил изланишга сўзнинг фикрлар, таъсуротлар, тафсилотлар, муносабатлар уммонидан оқаётган гоҳ тиник булоқ зилол чашмасидек тоза, гоҳ тоғутошлардан жўшқинлик ва қудрат билан оқаётган шалоладай фусункорлик

кашф этиши бекиёс аҳамиятга, катта ижтимоий, маънавий-маърифий қимматга эга албатта ўз-ўзидан ҳеч нарса содир бўлмайди.

Талаффуз машқи яна «и» товушли сўзларни талаффузи билан мустаҳкамланади;

-Чилон жийда остида иккита илон қорни очиб, кучи қочиб ётибдими?  
Корни очиб кучи қочиб ётган иккита илон, чилон жийда остидан судралиб, ўрмалаб қочибдими?

- Чилон жийда остида қорни очиб кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочибдими, ё чилон жийда остида ин қурган сичқонга қараб кўзини очибдими?

- Чилон жийда остида қорни очиб, кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочибдими ё чилон жийда остида ин қурган сичқонни кўриб кўзини очибдими?

-Чилон жийдага ин қурган иккита қизилиштонга қараб оғзини очибдими?

-Чилон жийда остида қорни очиб, кучи қочиб ётган иккита илон ўрмалаб-ўрмалаб қочай деса, чилон жийда остида ин қурган иккита сичқонни кўриб, чақмоқчи бўлиб пусиб ётибди..

- чий-чийчуврақачи чақариро- торри қора рақариро- сичқонлар эса огиб, чўчиб-чўчиб, чилон жийдага ин қурган қизилиштонларни уйготибди

- Қизилиштонлар-чилонжийдани дўмбира қилиб шовқин-сурон сочибди.

-Тепа-тепа-тепада, Кана-кана-канада, Кўна-кўпакўпада, Кена-кепа-кепада пат-пат учган капалакми? Тап-тап учган папалакми? Капалакми папалакми, пўпанакми, кўпанакми, чаканакми, чакалакми?

Тез айтишнинг якунловчи қисми ҳамма талабалар томонидан турли тезликда такрорланади

Амалий машғулот жараёнида талабалар бир шода қалампир чайнаш «аччиғини», кимдир Ватан ва миллат таракиёти учун, кимдир севган касбга энг юқори чўққиларга эришиш учун, кимдир ўзи ва ҳалқининг юксак-фаровон, тинч, осуда ҳаёти учун, кимдир севимли инсонларнинг баҳти учун, яна кимдир эса ҳаётдаги турли иллатлар, ёмонлик, алдамчилик, ҳиёнатнинг бўлмаслиги учун ейишга розилиги иқрорини, рўйирост, эсда қоларди тарзда изхор қила олишлари лозим. Бундай тез айтишлар воқеа асосида тузилганлиги мураккаблиги талабанинг кутилмаган шар шароитда вазиятни тўғри баҳолай олиши, диққати тасаввурини фаоллаштириб жиддий мантиқли ички ҳаракатдан жонланган сўз ҳаракатининг табиий, таъсирчан ифодавий имкониятларни мустаҳкамлашни назарда тутади. Тузилган матнлар айнан ижодий йўналишларда таълим олаётган талаблар ва профессионал актёрлар, бадиий сўз усталари, сухандонлар, бошловчилар, нотиқлар учун ақлни чархлайдиган, хотирани мустаҳкамлайдиган, талаффузни равонлаштирадиган

ва энг муҳими матн билан ишлаш жараёнларида ижрочи олдиғалар тизимини қамраб олиши билан аҳамиятлайдир, яни айрим назарий түшүнчә ва қоидалар бадиий шаклда ҳам матннинг туб маъноларига сингдирилиши, ижрочиға ижро жараёнида фикр, мақсад, ҳаракат, муносабат каби бадиий ифоданинг энг таъсирчан қудратини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга қаратылған.

**Нутқнинг ифодавий таъсирчанлигини ошириш тизимлари.**

*Қаранг қызил қалампир бўлиб қопти қорампир,*

**Қалампир рангининг жилосига мафтун бўлиш.**

*Уни шундай ўстирган аччиқ севар бир кампир,*

**Ерга меҳр бериб қилинган меҳнатни улуғлаш.**

*Тешада тегин чопиб, бир қанча ўғит сепиб,*

*Меҳр билан парваришлар миришкорлик асқотиб,*

*Шода-шода марвариддай қалампирлар тизилди.*

*Аччиқсевар жўраларнинг кўнгиллари бузилди.*

**Ҳалол меҳнатдан етилган оловдай қизил, қалампирдан шакароб тайёрлаш завқини улуғлаш.**

*Шакаробга тўғраб-тўғраб, емоққа аҳд қилдилар,*

*Қалампирни кўп емоқлик, ботирлик деб билдилар*

*Қитмир Қосим қалампирдан ярим дўпти олдида,*

*Қитмирана режса тузиб пичоқ қайраб қолдида,*

**Жўралар орасидаги ҳазил ва синов учун тайёргарлик.**

*Хўп эринмай тўғрадией, роса қилиб ҳафсала,*

*Жўраларин аччиқ билан қилайн деб дабдала.*

**Ҳазил ва қитмир синов учун вазият яратиш,**

*Ғани анча нозик таъброк, гарч- гурч чайнаш ҳуши ёқар,*

**Ғанининг аччиқ севарлик табиатини аниқлаш.**

*Шерик бўлай деса кимдир қовоқ солиб суст боқар.*

**Ғанининг қизғанчиклик табиати, ҳарактери**

*Шуни билиб Қосимжон ҳам хўп аямай тўғради Памилдори пиёз қўшиб шакароб тайёрлади*

*Шакороби бўлди таййёр, қалампир оловдай,*

**Шакароб тасаввури тасвири ва сўзнинг таъсирчанлигига эришиш.**

*Жўралари кўрдилару миқ этмай бўлиб “бақа*

*Сир бой бермай илжайдилар индамай ушлаб ёқа*

*Ғанивой мамнун роса ботир бўлиб, бошлади*

*Ичда олов ёнса ҳамки, кайфиятин ростлади*

*Жўралари ҳавас қилиб, эргашдилар бир-бир-бир,*

**Аччиққа чидаш синовида жўраларининг гўзини кўрсатиши.**

*Томоқдан чүг үтса ҳамки ,сақладилар сир-сир-сирХаммасининг кўзида ёш, аччиқ олган заптига*

*Орият йўл бермас аммо, қараб бўлмас афтига*

**Жўралар орасидаги курашни, ҳис этиши.**

*Қамар қуруқ қалампирдан қотди қуриб қолгандаяччиқ -аччиқ қараши қилди аччиқ сабоқ олгандай.*

*Чори чора топгандаийн чалгитмоқча чоғланди,*

**Аччиқ азобини енгиш учун , товушли бирикмаларданнажот қидириш.**

*“Чуррр чапа чупирич” деб “уфф”деёлмай доғландиМўмин эса кўзида ёш “дувв-дувв” демай чидади,*

*Аммо ичи ёнгандаин, чўмичда сув ичади*

*Бундай қитмир ҳазиллар кўп, актёрларда учрайди*

*Иродангни чарҳлаб чарҳлаб кечинмага ундаиди*

*Ижод асло осон эмас керак бардош иРОДА*

*ИРОДАЮ бардош топсанг жонланади ифода.*

**Ижод машаққати, холат ҳис туйғуда қалампирдай ўткир бўлишга эришиш.**

Махсус тузилган ушбу матнамирида бўлғуси ёш актёрларнинг тасаввури, мақсадли муносабати, тасвирдаги воқеа асосида аччиқ қалампир аччиғини тассаввур ва эслаш орқали ҳис эта олиш вазифаси белгиланади.Ҳаётда аччи қалампир чайнаб аччиғига чидай олмай саросимага тушиб сув симирганларни ва улардаги хулқ атвор, ўзига ҳос ҳаракатини кузатиш, эслаш, тасаввурдан ўтказиш маълум даражада машқ учун ўзига ҳос шарт шароит, вазият ва унинг мантиқли ечимини топишга бўлган фаол ҳаракатдир.Шунингдек ҳаётда шундай шарт шароит вазиятлар борки у талабалар учун сув ва ҳаводай зарур бўлган фикр, тасаввур, ҳаракат имкониятларини мустаҳкамлайди ва кенгайтиради.Тасавурнинг аниқлиги тиниқлиги фикр ва дикқатдан ўчиб кетмаслиги билан аҳамиятлидир. Масалан чанқоқлик мешаққати ҳамда унинг турли вазият холат, воқеалардаги мантиқий ривожи, ҳавонинг ҳаддан ортиқ қизиб ёки совуб кетиши билан боғлик инсондаги ички ва ташқи ўзгаришлар мослашувлар холати ҳаракати ҳамда унинг жонли тилда баён қилиниши бўлғуси ижодкор актёрлар, режиссёrlар учун маҳорат ва нутқий имкониятларини ривожлантиради. Бу инсондаги кўриш,эшитиш, ҳид билиш, сезиш, ҳис этиш каби табиий туйғуларини такомиллаштиришга ижодий жараёнлар билан уйғунлашига таянч бўлади.Бирин кетин ҳар бир талаба ўз имкониятини синаб кўргач уни талабалар аро ким ҳаммадан ортиқ даражада қалампир аччиғини бошқалар тасаввурида уйғота олиш жараёнлари мусабақа бахс тортишувга

йўналтирилади. Бу тасаввур тиниқлиги, унга монанд ишонч ва ишонтириш маҳоратининг мусобақаси сифатида завқли ҳаётий ўйинга айланиши, ўқитишинг интер фаол инноватсіон услубларининг ёрқин ижровий мусобақасига айланиши керак, зеро талаба ишонч ва аниқ ҳаракатда, синчков ва қунт билан эркин ва фаол ишласа унинг доим эсда сақланадиган ижодий жараёнлар, амалий ижро кўникмалаирини мустаҳкамлашнинг самарали йўлларидан бири эканлигига ишонамиз. Жонли сўз ва талаффуз мукаммаллигига эришишда бу машқ ҳам услубий аҳамиятга эга. Уни тўлалигича ёд олиш, турли тезликларда сўз ҳаракати маромида ижро қилиш катта қунт, зийраклик, куч, тиришқоқлик талаб қиласди. Бундай шароитларда тез айтиш умумий гуруҳ тез айтиши таҳлилида тақсимланиши, 6-7 талабага бўлиб ишланиши ҳам, ҳар бир ёш мутаҳассис учун ижодий ижро учун матн бўла олади. Тез айтишлар билан ишлаш мавзу ва сўзлар ранг-баранглиги янада кенгайтирилиб бошланғич босқичдан, якунловчи босқичларгача давом этдирилади. Ақл, тасаввур, тил ва ижро маҳорати такрор талаб жараёнлиги маълум. Янги тез айтишлар ўз ўрнида ушбу рисоланинг кейинги ўринларида ҳам берилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Кейинги йилларда талабаларда турли бирикмалар матнларни ёд олишга етарли иродаси, қунти, бардоши етмаётганлиги кузатилмоқда. Актёр учун бу хавотирли холат, халқнинг назари ва меҳри, хурматига сазовор бўлган, давлатимиз унвонларини олишга эришган актёrlар билан суҳбатлашиб уларнинг мингдан ортиқ шеърларни, қанчадан қанча саҳна асарларини тўлалигича ёдан билиши, фильмларда турли персонажлар ва қаҳрамонлар сўзларини тез ёдлаб олишларини қиёсласак талабанинг хотирасини чархлаш, мустаҳкамлаш зарурлиги кўринади, бу эса халқона иборалар, қофиядош, синонимли сўзларнинг тартибли келиши ва матннинг ўзида тасаввур ва сўз ҳаракатига йўналтирадиган жараёнлар учун зарурдир.

***Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:***

1. Талаффуз мукаммаллигига эришиш услублари?
2. Бирикмалар ва айтилиши кийин жумлалар талаффузи?
3. Содда ва мураккаб тез айтишларда мақсад ва муносабат?
4. Турли вазиятларда дикқат ва тасаввурни фаоллаштириш?
5. Нутқнинг ифодавий таъсирчанлигини ошириш тизимлари?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-кейс.** Республикаизда олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш йўлга қўйилган. Тест синовларининг афзалликлари мавжуд бўлишига қарамасдан, ўқишига қабул қилинган талабаларнинг билимларида муайян камчиликлар учрайди. Уларнинг баъзиларида нутқ ва мулоқот маданияти паст даражада, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўнилмалари, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўнилмалари таркиб топмаганлиги маълум бўлади.

### Саволлар:

1. Муаммо нимадан иборат?
2. Мазкур муаммони ҳал этиш учун профессор-ўқитувчилар қандай ишлар олиб бориши лозим деб ўйлайсиз?
3. Сиз бу муаммога қандай ечимлар таклиф қиласиз?

**Манба:** Педагогик квалиметрияга доир адабиётлар.

### Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

### Кейсни ечиш жараёни:

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гурӯҳда муҳокама қилинади.
2. Тингловчи кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гурӯҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гурӯҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

### Ўқитувчининг ечими

1-омил: Давлат Тест маркази томонидан фанлар бўйича тузилган тест топшириклари стандарт тестлар бўлиб,abituriyenlarning fan асосларини ўзлаштириш даражасини аниқлашга эмас, балки уларнинг хотирасининг кучлилик даражасини аниқлайди.

2-омил: Профессор-ўқитувчилар ўқишига қабул қилинган талабаларнинг нутқ ва мулоқот маданияти, ўз фикрини баён этиш, фикрини асослаш кўнилмалари, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўнилмаларини ривожлантириш мақсадида ностандарт ўқув ва тест топшириклиаридан фойдаланиши лозим.

**2-кейс.** Олий таълим муассасасининг “Аноним хатлар” қутисига табиий фанлар факультетида педагогик фаолият юритаётган Ҳасан Ҳусановичнинг таъмагирлиги, талабаларга тазийқ ўтказиши ҳақида маълумот келиб тушди.

Факультет декани Ҳасан Ҳусанович машғулот олиб борадиган гурух талабалари билан Ҳасан Ҳусанович иштирокида умумий тарзда сухбат ўтказди. Хатдаги фактлар тасдиқланмади. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?

### **Саволлар:**

1. Факультет декани ушбу масалани ўрганишда қандай хатога йўл кўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.
3. Нима сабабдан сухбат давомида талабалар томонидан Ҳасан Ҳусановичнинг педагогик фаолиятидаги камчиликлар борасида фикр билдирилмади?
4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

### **Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Инсон хуқуqlари декларатсияси”, Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасалари Низоми, Педагогик квалиметрия.

### **Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

### **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қилинади.

2. Тингловчи кичик гурух аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлади.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гурух аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гурухларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

### **Ўқитувчининг ечими**

Факультет раҳбарлари ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги камчиликларни ўрганишда хатоликка йўл қўйган. Бу ҳолатда педагогик квалиметриянинг аноним сўровнома методидан фойдаланиш ва олинган натижаларни муҳокама этилиши лозим эди.

**З-кейс.** Факультет илмий Кенгашида “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловига номзодлар танланмоқда. Бакалавриат йўналишининг 3 курсида турли курслардан машғулот олиб борадиган 2 та профессор-ўқитувчининг педагогик фаолияти ва эришилган натижалар таҳлил этилмоқда. Ҳар иккала устознинг ҳамма қўрсаткичлари бир хил, лекин талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимлари таҳлилида фарқ мавжуд.

Биринчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 100% ўзлаштириш ва 60% таълим самарадорлигига эришган.

Иккинчи устоз талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан баҳолаган ва 98% ўзлаштириш ва 50% таълим самарадорлигига эришган.

Илмий кенгаш йиғилиши биринчи устозни танловда ғолиб деб топган ва рағбатлантирилган.

### **Саволлар:**

1. Факультет илмий Кенгаши ушбу масалани ўрганиш ва таҳлил қилишда қандай хатога йўл қўйди?
2. Ушбу масала қандай ўрганиш лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқинг.
3. Сиз қандай фикрдасиз, Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилдими?
4. Сиз ушбу муаммони қандай ҳал этган бўлардингиз?

## **Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Инсон ҳукуқлари декларатсіяси”, Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасалари Низоми, Педагогик квалиметрия.

## **Тингловчилар учун кўрсатмалар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан қўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга ҳаракат қилинг.
5. Ўз фикрингизни баён этинг.

## **Кейсни ечиш жараёни:**

1. Тингловчилар кейс моҳиятини у билан танишиш орқали кичик гуруҳда муҳокама қиласди.
2. Тингловчи кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда муаммони ҳал этишга замин тайёрлайдиган омилларни аниқлайди.
3. Муаммони ҳал этишга имкон берадиган омиллардан энг муҳимлари ажратиб олинади.
4. Кичик гуруҳ аъзолари умумий фикр асосида энг муҳим омилларни баён этади.
5. Кичик гуруҳларнинг фикрлари таҳлил этилади ва умумий хулоса ясалади.

## **Ўқитувчининг ечими**

Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим муассаси Низоми”да “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” танловига номзодларни танлашда ижодкор, янгиликка интилувчан ва педагогик жараёнга инноватсіяларни жорий этган устозларга эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган.

Биринчи устознинг талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини стандарт тест топшириқлари билан юзаки баҳолаган ва олинган натижа амалда ўзини оқламаслиги аниқ. Бу ҳолатда иккинчи устоз томонидан талабаларнинг фанлар бўйича ўзлаштирган билимларини ностандарт тест топшириқлари билан баҳолаганлиги унинг ижодкорлигини билдиради ва эришилган натижанинг ишончлилиги юқори.

Илмий кенгаш йиғилиши тўғри қарор қабул қилиши учун мазкур жараённи чуқур ўрганиши, интегратив ностандарт тест топшириқлари асосида талабалар билимини аниқлаши лозим эди.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар мазмунига боғлиқ ҳолда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тайёрлаш.
- Мутахассислик бўйича машғулот ишланмаларини лойиҳалаш ва мавзу мазмунига мос ҳолда ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича жорий назорат учун тест топшириқларини шакллантириш юзасидан тавсиялар**

1. Жорий назорат топшириқлари шу мавзунинг мазмунини қамраб олиши лозим.
2. Мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда назорат топшириқларида:
  - Очиқ тест топшириқлари;
  - Ёпиқ тест топшириқлари;
  - Кўп жавобли тест топшириқлари;
  - Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.
3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (30%), продуктив (30%), қисман-изланишли (20%) ва креатив тест топшириқлари (20%) миқдорда бўлиши тавсия этилади.
4. Мавзулар бўйича шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини **Май тест** дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

### **Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича оралиқ назорат учун тест топшириқларини шакллантириш юзасидан тавсиялар**

1. Оралиқ назорат топшириқлари ўрганилган боб ёки бўлим мазмунини қамраб олиши лозим.
2. Боб ёки бўлим мазмунидан келиб чиқсан ҳолда назорат топшириқларида:
  - Очиқ тест топшириқлари;
  - Ёпиқ тест топшириқлари;
  - Кўп жавобли тест топшириқлари;
  - Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (30%), продуктив (30%), қисман-изланишли (20%) ва креатив тест топшириқлари (20%) миқдорда бўлиши тавсия этилади.

4. Боб ёки бўлим мазмунини қамраб олиб шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини **Май тест** дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

**Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича якуний назорат учун тест топшириқларини шакллантириш юзасидан тавсиялар**

1. Якуний назорат топшириқлари ўрганилган курс мазмунини қамраб олиши лозим.

2. Курс мазмунидан келиб чиқсан ҳолда назорат топшириқларида:

- Очиқ тест топшириқлари;
- Ёпиқ тест топшириқлари;
- Стандарт ва ностандарт тест топшириқлари бўлиши лозим.

3. Тест топшириқларининг қийинлик даражаси репродуктив (40%), продуктив(30%), қисман-изланишли (30%) миқдорда тест топшириқлари бўлиши тавсия этилади.

4. Курс мазмунини қамраб олинган ва шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини **Май тест** дастурига киритинг ва амалиётга жорий этиш йўлларини белгиланг.

**ТИНГЛОВЧИЛАР УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ**

№	Модуллар бўйича ўқув топшириқлари	методик кўрсатма	балл
1.	<p><b>Мақсад:</b> Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p><b>1-модуль</b> бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуидаги саволларга жавоб топинг.</p> <p>1. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.</p> <p>2. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик</p>	Кичик групҳ аъзолари билин ҳамкорликда ишланг	2-балл

	<p>фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.</p> <p>4. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз?</p>		
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.</p> <p>1. Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест топшириғини тузинг.</p> <p>2. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.</p> <p>3. Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг.</p>		
3.	<p>Модуль дастурини якунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <p>1. Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?</p> <p>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни тақрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?</p> <p>3. Ушбу модуль дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги</p>	Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг	

	фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг. 5. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модуль дастури устида тақроран ишланг.		
	Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари	жами	балл

## VII. ГЛОССАРИЙ

№	Инглизча	Ўзбекча	Русча	Ўзбекча маъноси	Русча маъноси
1	Literary language	Адабий тил	Литературный язык	Муайян умумхалқ тилининг қайта ишланган ва меёrlаширилган, мазкур тилда сўзлашувчи халқнинг маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакли.	Hatsionalnyy язык обрабатывается и нормированы, эта форма обслуживания культурных потребностей людей, которые говорят на языке.
2	Expressiveness of the actor's speech	Актёр нутқи ифодавийлиги	Выразительность речи актера	Сўзлардаги унлиларни керакли жойларда чўзиб айтиш ва бир сўзда охирги ундош товушларни аниқ талаффуз қилиш орқали эришиладиган самара.	Гласный распостерла места, которые вы хотите сказать слово, и окончательный согласные звуки в словах четко достигнутых результатов.
3	Articulation	Артикуляция	Артикуляция	Нутқ аъзоларининг меёрий харакати	Говорящие членов регулирующего действия
4	Master of the artistic word	Бадиий сўз устаси	Мастер художественного слова	Адабий асар ёки драматик парчани тингловчиларга асар моҳиятини бадиий таъсирчан қилиб етказувчи сўз ижрочиси.	Характер части аудитории литературного произведения или драматического произведения искусства дополняют внушительный исполнитель.
5	Artistic word	Бадиий сўз	Художественное слова	Сўз ижроилиги санъатининг янада такомиллашган баркамол ифодавийлиги	Исполнительское искусство и современное развитие выразительной
6	Improvisation	Бадиҳа	Ипровизатсия	Халқ оғзаки ижоди анъаналари асосида туйқусдан, бирданига айтилган сўз, шеър ёки кўшик.	Фольклорные традиции внезапной однажды сказал слово, стихотворение или песню.
7	Diction	Дикция	Дикция	(лат. – дистио – талаффуз) – сўзларни аниқ, равшан талаффуз этиш, сўзлаш усули. Нутқ маданиятининг асосини ташкил этади. Актёрлик санъатида, шунингдек, хонанда, диктор, нотик, ўқитувчилар учун муҳим аҳамиятга эга.	(лат. Дистио.) - Слова, ясно, что это путь. Основа языка, культуры. Искусство актерской игры, а также певцы, дикторы, дикторы, преподаватели имеют важное значение.
8	Intonation	Интонація	Интонація	Товушнинг паст-	Звучит высоко, изменив

				баланд бўлиб ўзгариб туришидан иборат ритмик-мелодик нутқ тузилиши, оҳанг	тон речи является ритмическая и мелодическая структура
9	Culmination	Кульминация	Кульминация	Бирор воқеа ёки ходиса ривожланишидаги энг юкори нукта, авжига чикиш.	Развитие события или инцидента достигли высшей точки.
10	Gesture	Мимика	Мимика	Сахнавий харакат жараёнида актёрнинг табиий юз ифодаси.	Во время сцены выражения естественно лица актера.
11	Voice	Овоз	Голос	Овоз – марказий орган олий нерв системасининг маҳсули	Продукт центральной нервной системы высшего органа
12	Pause	Пауза	Пауза	(юн. Паусис – тўхташ, тугаш) – нутқ жараёнида бирор мантикий эҳтиёж ёки мақсад туфайли тиним сакланиб қолган вакт бирлигига айтилади	(грек. Паусис – конец) во время выступления на разумных потребностей или целей из-за беспокойной, чтобы сказать, остающуюся единицу времени
13	Poetry	Поэзия	Поэзия	(юн. – поизо – яратаман) – бадий ижоднинг асосий турларидан бири – шеърият	(грек. Поизо Среатор.) - Это один из основных видов художественного творчества - поэзии
14	Novel	Роман	Роман	(франс. роман) – насрый асар жанри; муайян шахс ёки бир неча шахснинг шаклланиш ва камол топиш жараёни бадий макон ва замонда тасвирланган асар.	(франц. роман) - проза жанр романа; конкретное лицо или несколько лиц в процессе формирования и развития работы, описанной в данной области пространства и времени.
15	Rubai	Рубаи	Рубаи	(араб. – тўртлик) – Шарқ ҳалқлари шеъриятида кенг тарқалган поэтик жанр.	(араб. - Четыре) - восточная поэзия популярный поэтический жанр.
16	Rhymed prose	Сажъ	Рифмованной прозы	(араб. – кумри, булбул, тўтиларнинг сайраши) – бадий сўз санъатларидан бири: бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзларнинг вазн ёки равийда (ёки ҳар иккаласида) мос келиши.	(араб. Кумран, соловьи, попугай пение) - Один из искусства художественного выражения: вес некоторых слов или слова (или оба).
17	Art of speech	Нутқ санъати	Сценической речь	Театрда бадий образ яратиш, қаҳрамон хатти-харакатлари, ҳис-туйғуларини	Создание художественного образа театра, героические действия постановок к

				томушабинга етказиша асосий ифода воситаларидан бири.	чувствам аудитории является одним из основных средств выражения.
18	Sonnet	Сонет	Сонет	(итал. сонетто) – 14 мисрадан иборат турғун шеърий шакл.	(итал. Сонет) - состоящий из 14 стихотворений и фиксированной поэтической форме.
19	Poetic speech	Шеърий нутқ	Поэтическая речь	Бадий нутқнинг насрий (сочма) ва шеърий (тизма) тарзидағи икки шаклидан бири бўлиб, тилнинг муайян ички ўлчамга солинган, маъно кўчишига асосланган, хиссиётга тўйинган алоҳида кўриниши.	Чтобы дать искусству речи, прозы и поэзии (конъка), одной из двух форм, основанный на значении языка в некоторых национальных налоговых реального эмоционального насыщенного внешнего вида.
20	Poetry	Шеърият	Поэзия	Поэзия – шеърий асарлар мажмуи.	Поэзия - множество поэзией.
21	Fairy tale	Эртак	Сказка	Халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири.	Оральный поэтическое творчество является одним из основных жанров.
22	Syllable	Хижо	Слог	(араб. – бўғин) – аруз вазнидаги ифоданинг ритмик бирлиги, яъни сўзнинг бир нафас зарби билан айтиладиган қисми.	(араб. - Линк) - желаемый вес называется ритмической единицы, которая является частью хода с дыханием слова, говорят они.
23	Orthoepy	Орфоэпия	Орфоэпия	Орфоэпия сўзи юононча (ортпхос – тўғри, эпос - нутқ) тўғри гапириш тўғри талаффуз	Орофоэпия греческое слово (ортпхос – прямой, эпос – реч) с правильного произношения говорить
24	Breathing	Нафас	Дыханые	Хаво оқимининг инсон вужудида алмашиниш жараёнидаги биологик ходиса	Поток воздуха в случае биологических обменных процессов в организме человека
25	Tongue	Тил	Язык	Товушларнинг хосил бўлишида иштирок этадиган оғиз бўшлиғидаги фаол аъзо.	Члены активно участвуют в формировании звуков рта.
26	The nasal cavity	Бурун бўшлиғи	Полость носа	Нафас ва овоз йўналишида иштирок этадиган йўлаклардан иборат бўшлиқ.	Дыхание принимает участие в направлении звука и коридоров пространства.
27	Register	Регистр	Регистр	Овоз баландлиги ва куч даражасининг маълум меёрда пайдо бўлиш ўрнининг чеклануви	Уровни звукового давления, измеренные на уровне мощности и ограничения роли быть

28	Center of voice	Овоз маркази	Центр голоса	Инсоннинг ўзига хос ва равон, бевосита жаранглайдиган товуш даражаси	Его уникальный и гладкой, что уровень звука звуков напрямую
29	Tone	Оҳанг	Тон	Товушларнинг маълум бир тартибда уйғунлашиб, мусикий бутунлик ташкил этган бирикмаси.	Безмолвие заполняет в определенном порядке, музыкальную целостность комбинатсии.
30	Resonator	Қайтаргич	Резонатор	Кучайтиргич, овозни шакллантирувчи асосий манба.	Основным источником формирования голосового резонатора
31	Diaphragmatic breathing	Диафрагмал нафас	Диафрагматическое дыхание	Кўкрак қафаси қовурғаларини кўтариб (ижро ва нутқ) икки томонга сурадиган мушаклар учун энг кулай нафас олиш тури	Грудь поднял ребра (исполнительные и речи), обе стороны будут править наиболее подходящий тип дыхательных мышц
32	Respiratory breathing	Фонатсиянафас	Фонатсияное дыханые	Товуш билан уйғун нафас	Дышите в гармонии со звуком
33	Rib cage	Кўкрак қафаси	Грудная клетка	ўпка, бронх, трохеялардан иборат бўлиб, улар нафас чиқишида йўналтирилувчи вазифасини бажаради ва товуш найдо бўлишда кўмаклашади.	легких, бронхиальная, трохеи, который служит в соответствии с указаниями из дыхания, а также содействовать здравому смыслу.
34	Power of voice	Товуш кучи	Сила звука	Товушнинг қаттиқ эшилиш даражаси	Вы услышите звуковой уровень
35	Whisper	Пичирлаш	Шептать	Юз (маскада) оғиз ва бурунга яқин жаранглаб турувчи овоз	(Маскат), близко ко рту и носу звона превосходный звук
36	Emphasis	Ургу	Ударение	Нутқдаги бирор бўлакни кучлирок талаффуз этиш ходисасига айтилади	Сильнее, чем часть беседы, говорится о событии

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бобоназарова Б. Нутқ санъати. –Т., ЎзДСИ, 2004
2. Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат (Нотик, нутқ, мантиқ). – Т., Адолат, 2005.
3. Носирова А. Жонли сўз санъати асослари. – Т., 2003
4. Алимжонова З., Тўлаганов А.Н., Нутқ санъати. – Т., Фан, 2005.
5. Джулдиқараева Х. Нутқ санъати (Талаффуз техникаси). – Т., ЎзДСИ, 2008.
6. Жуманов И. Нутқ санъати. –Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
7. ИсроиловМ. Диалоглар устида ишлаш. –Т., 1996.
8. Нурмуҳаммедова Ў. Нутқ санъати. – Т., ЎзДСИ, 2008.
9. Хожиматова М. Нутқ санъати. –Т., Янги аср авлоди, 2011.
10. Холиқулова Г.Э. Нутқ санъати (тарихий спектакллар мисолида). – Т., ЎзДСИ, 2008.
11. Расулова А. Нутқ санъати. – Т., Мусиқа 2009
12. Сайдов У. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Т.: Академия, 2007.
13. Расулова А. Нутқ санъати.- Т., 2006
14. Холиқулова Г.Э. Саҳна асарларида қаҳрамон характерини яратиша замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти. – Т.: Фан ва технология, 2015.
15. Қодиров Р.Т. “Режиссура асослари” (Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ижоди мисолида). – Т.: Наврӯз, 2015.